



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 14-iyun, chorshanba

№ 24 (1035)

1996-yil dekabrda chiqarilgan boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.hurriyat.uz

КАТАРДАГИ ХАТАР

Саудия Арабистони, БАА, Миср ва бошқа араб давлатлари Қатар билан дипломатик алоқаларни тиклашга тайёрликларини, бунинг учун Қатарга бир қатор талаблар қўйилишини айтишган. Бу давлатлар Қатардаги "Ал-Жазира" телеканали эфери хажми камайирилишини, экстремистик гуруҳларни қўллаб-қувватлашни тўхтатишни талаб қилган.

⇒ 5-бет

БИЗГА РЕЖИССЁР КЕРАКМИ, ЎЗИ?!

Дабдурустан бундай савол қўйиш галатирок туюлиши табиий. Бугун томоша дегани кўпайгандан кўпайиб, санъат нарироқ турсин, не-не маънавий банг, олди-қочди кино, спектакль, сериал, клип, шоу ва ҳоказолар учун ҳам режиссёр дегани талабгир бўлиб турган пайтда бундай савол қўйиш, албатта, ноўриндек.

⇒ 6-бет

СУЗУК ОТА уста хунармандлар пири

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб буюк аждодларимиз меросини ва қадам-жоларини қайта тиклашга катта эътибор қаратилди. Мамлакатимизда илм-маърифат йўлини танлаб, юксакликка эришган аждодларимиз шунчалик кўпки, уларни санаб охирига етиш қийин.

⇒ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида 12 июнь кuni телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳрида 12 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича қўйилган натижаларни олдиндан таҳлил қилиш, мавжуд камчиликларни тезкорлик билан бартараф этган ҳолда, барча соҳа ва тармоқларда белгиланган прогноз кўрсаткичлари ва мақсадли параметрларга эришишни таъминлаш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8-9 июнь кунлари Остона шаҳрида ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг саммитида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШХТнинг Остона саммити доирасида Испания Қироли Филлип VI, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев ва Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Навоз Шариф билан музокара ўтказди.

9 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Остонада ташкил этилган ЭКСПО-2017 халқаро кўргазмасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 10 июнь кuni Самарқанд вилоятида бўлди.

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида 10 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг учрашуви бўлди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди. Юқори мартабали меҳмонни Нукус халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ераниязов кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги институтида битирувчиларга диплом топшириш ва ҳарбий унвон беришга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда кенг жамоатчилик вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари, яқинлари иштирок этди. Ички ишлар вазири А.Азизов, институт бошлиғи А.Қўлдошев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.



Битирувчиларга диплом топширилди

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш ҳамда янада такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Мамлакатимизда ички ишлар органлари учун малакали кадрлар тайёрлашда Ёнгин



Суратлар муаллифи О.Булмолов ЎзА

хавфсизлиги институти муҳим ўрин тутди. Мазкур таълим муассасаси ички ишлар идоралари учун ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, ёнгинларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, аҳоли хавфсизлиги ва моддий бойликларини асраш бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти ҳисобланади.

Бу ерда таълим жараёни замонавий ахборот ва илғор педагогик технологияларни қўллаш асосида олиб борилмоқда. Президентимизнинг шу йил 23 майдаги «Ички ишлар органлари ёнгин хавфсизлиги бўлинулари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қаро-

рига асосан давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг кадрлар салоҳиятини яхшилаш мақсадида институтида «Ёнгин хавфсизлиги» ва «Техносфера хавфсизлиги» мутахассислари бўйича офицер кадрлар тайёрлаш, соҳа учун раҳбар кадрларни ўқитиш тизимини жорий этиш каби вазифалар белгиланди.

Тадбирда битирувчиларга олий маълумот тўғрисидаги диплом топширилди ва лейтенант унвони берилди. — Бугун биз, ёш офицерларнинг қўвончимиз чексиз, — дейди битирувчи Элёрбек Раҳимов. — Бизни вояга етказган ота-оналаримизга, таълим-тарбия берган устозларимизга, барча шарт-шароитларни яратиб берган Президентимизга самимий миннатдорлигимизни билдираемиз. Хизмат фаолиятимизда халқимизнинг тинч-осуда ҳаётини асраш, эл-юртимизнинг моддий бойликларини ҳимоя қилиш йўлида бор куч ва имкониятимизни ишга солаемиз.

Нурилло НАСРИЕВ, ЎзА мухбири

2017 йил — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

Эл дардига дармон бўлиб...

Қай бир ишга қўл урмайлик, аввало "Етти ўлчаб бир кес", "Кўпдан кўп фикр чиқади", "Маслаҳатли тўй тарқамас", "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи", "Аввал ўйла, кейин сўйла" мақолларига амал қилиш донишманд бобокалонлардан қолган одат. Бу ҳикमतлар замирида фикрлашмоқ, маслаҳатлашмоқ, ахборот алмашмоқ, халқ билан мулоқот қилмоқ каби маънолар мужассам. 2017 йил мамлакатимизда эълон қилинган "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" давлат дастурини амалга оширишда ҳам шу



тафаккур ёғдулари саналмиш мақоллар бамисоли маънавий қанот бўлиб хизмат қилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 24 йил тўлиши муносабати билан бўлиб ўтган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида йил

номи мазмун-моҳияти куйидагича ифода қилинган: "Аввало, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"нинг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта қўриб чиқиш зарур. Бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усуллари жорий этишимиз даркор".

Хуррият.ли муштарийлар,

2017 йил учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳада этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat" да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.



"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

» НУҚТАИ НАЗАР

Ўзбекистон телевидениеси: кеча ва бугун

Бутун дунё мамлакатлари ижтимоий ҳаётида телевидениенинг ўрни катта. Зеро, ҳар бир инсон бўш вақтини телевизор қаршисида ўтказиши ҳам сир эмас. Хўш, бизда қандай? Ҳаётимизда унинг роли қай даражада?



Тўғриси айтиш керак, 90-йиллари бошида мамлакатимиз телевидениеси анча ночор аҳволга келиб қолган эди. 1956 йил ўзбек телевидениеси ташкил топгандан буён тўпланган тажриба, аъёнлар бу вақтга келиб анча сийқалашди. Бир мавзу атрофида энг камида қирқ

дақиқа ёки бир, бир ярим соатлаб кўрсатувлар тайёрланарди. Узундан-узоқ давом этадиган дастурлар томошабинни зериктирарди. Эфирга олиб чиқилаётган муаммолар ҳам унчалик қизиқарли эмасди. Расмий, жўн дастурлар кўпайиб кетганли. Бунга сабаб: биринчидан, телевизион техникалар-

нинг эскирганлиги бўлса, иккинчидан мутахассис кадрларнинг етишмаслиги эди. Уша даврларда оғир аппаратларда — ўрам-ўрам магнит тасмаларида монтаж қилинарди. Суратга олиш техникалари ҳам замондан анча орқада эди. Бугунга келиб эса, соҳада қатор ўзгаришлар юз бермоқда. Дунёнинг машҳур телевизион техникалари олиб кирилди. Тасвир ва овозларнинг сифати яхшиланди. Телеканалларимиз сони ҳам кўпайди. Мақтанса арзигулик ютуқларимиз бор. Ўзбек телевидениеси ҳаётида рақамли телевидениегга босқичма-босқич ўтиш даври бошланди. Лекин қарс икки қўлдан чиқали деганларидек, замонавий технологияларни соҳага жалб этиш баробарида, бурунги давр ижодий ютуқларга ҳам аҳамият қаратилишини тақозо қилади. Биз бугун четдан бўладиган ахборот хуружларига қарши туриш имкониятига эгамизми? Ёки уларга хориддан келтирилган замонавий техникалар билан тўсиқ қўямизми?

ЭЛ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛИБ...

«Бошланиши 1-белда»

Давлатимиз раҳбари тез-тез турли вилоят, шаҳар ва туманларда одамлар билан юзма-юз мулоқот ўтказмоқда. Бошқа мутасаддилардан ҳам шундай ишлаш талаб этилмоқда. Энг муҳими, шунга яраша фуқароларнинг муносабатларида кўтаришган қанчадан-қанча масалалар ўз ечимини топмоқда. Шу тариқа халқ билан мулоқот мамлакатимизда муҳим ижтимоий воқеалардан бири бўлиб кетди.

Президентимизнинг жойлардаги Халқ қабулхоналарига умид билан қадам қўётган инсонлар қалбига давлатимиз раҳбарининг кўнгилдаги сўзлари малҳамдек бўлишини тасаввур этиш қийинмас: «хаммамиз тушунамизки, халқ билан мулоқот, одамларнинг ичига кириш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, инсон манфаатларини таъминлаш, бу — биз учун фақат бир йиллик иш эмас. Бу масала келгуси беш йиллик фаолиятимизда ҳам энг устувор вазифа бўлиб қолади ва бу ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур тушуниб, яхши англаб олишимиз шарт. Чунки биз юртимизда янги давлат, янги жамият қуриш йўлида қандай иш қилсак, уларнинг барчасини халқимиз билан бамаънафат қиламиз».

Фуқуқдор Наманган шаҳрининг энг тепа қисмида жойлашган бино Халқ қабулхонасига айлантирилгани замрида ҳам бир ҳикмат бордек. Яъни, халқ манфаатлари — ҳамма нарсадан устувор!

Халқ қабулхоналарида одамлар учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Тиббиёт, она ва бола хоналари, китоби зали, ногиронлар учун зарур шароитлар яратилган. Тегишли хоналарда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилмоқда. Қабулга келган фуқароларнинг давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбар ва мансабдор шахслари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилишига шароит яратилиши учун биноларнинг кириш қисмида, аҳоли учун қулай жойда, тегишли идора раҳбарларининг исм-фамилияси, хизмат телефон рақамлари, зарур бўлган бошқа маълумотлар акс этирилган пеллавага жойлаштирилган.

Ана шундай файзли масканда давлат органларининг фуқаролар билан росмана мулоқоти йўлга қўйилган. Одамлар ўз муаммоларини очиқ-ошкор айтиш учун худди шу масканга умид билан келмоқда.

Мутасаддилар эса йиллар мобайнида қалашиб кетган муаммолар ҳақида аввал обдан тинглаб, тегишли идора ва ташкилот вакиллари билан биргаликда уларнинг ечимини излашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири Собитхон Турғуновнинг айтишича, шу кунга қадар вилоят, шаҳар ва туманлардаги Халқ қабулхоналари томонидан 2920 та муносабат қабул қилиниб, шундан 2818 таси тегишли идора ва ташкилотларга юборилган. 102 нафар фуқаронинг муносабатлари Халқ қабулхоналарида ўрганилиб, ўз ўрнида ҳал этилган. Қабулга

келган 670 нафар фуқарога муносабат қилиш тартиблари юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар берилган. Ўз навбатида келиб тушган муносабатлардан 1117 таси ҳал этилиб, шундан 460 таси қаноатлангичлиги, 637 таси бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилган, қонуний асоси бўлмаган 20 таси рад этилган.

Халқ қабулхоналарига қилинган муносабатлар мазмунига эътибор қаратамиз. Деярли ҳал этса бўладиган масалалар. Тегишли идора ва ташкилотларнинг мутасаддилари уларни ўз вақтида ижобий ҳал этсалар бўларди. Эътибор қилинг, вилоят бўйича жами 2920 та муносабатдан 661 таси уй-жой, 251 таси моддий ёрдам, 200 таси иш билан таъминлаш, 200 таси алимент масаласида, 162 таси тергов ва суриштирув ишлари ҳақида, 119 таси газ, электр, сув таъминоти юзасидан, 1327 таси бошқа йўналишлар бўйича муносабат қилишган.

Халқ қабулхонаси мудирининг айтишича, фуқаролар муносабати билан самарали ва сифатли ишлашни ташкил этиш учун энг етуқ мутахассислар жалб этилган. Муносабатлар белгиланган тартибда қўриб қилиниши ва қонуний ҳал этилиши учун биринчи галда улар назоратга олинмоқда. Жойларда, айниқса олис ҳудудларда аҳоли ва ташкилотлик субъектлари билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда жойида ҳал қилиш мақсадида сайёр қабуллар жалвали ишлаб чиқилган. Унга биноан вилоят ҳокими, прокурори, ички ишлар бошқармаси бошлиғи ва Халқ қабулхонаси мудири биргаликда сайёр қабуллар ўтказмоқда.

Ҳокимлар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари фуқароларнинг муносабатларини белгиланган муддатларда ижобий ҳал этилишига жиддий эътибор қаратмоқда. Қайси фуқаронинг ҳуқуқий паймоли этилса, айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги ҳар бир мутасадди олдига етказилмоқда. Шу тариқа вилоятнинг чекка ҳудудларида ўтказилган 54 та сайёр қабулдан 6239 нафар фуқаролар иштирок этган. Бу жараёнларда 484 нафар жисмоний ва юридик шахслар озаки ва ёзма равишда ариза, шикоят ва тақлифлар билан муносабат қилганлар, улардан 122 таси жойида ҳал этилган, 282 таси ўрганиб чиқиш учун тегишли давлат органлари томонидан қабул қилинган. Уларнинг ижроси тула таъминланишини Халқ қабулхонаси ўз назоратига олган.

Кимнинг муаммосини қайси мутасадди ҳал этиши мумкин? Ҳар бир муносабат шу нуқтага назардан ўрганилиб, тегишли шахслар билан юзма-юз мулоқотлар ташкил этилмоқда. Чунинчи, Халқ қабулхонасида ва сайёр қабуллар жараёнида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров 37 нафар, вилоят прокурори Баҳодир Умаров 20 нафар, ИИБ бошлиғи Азиз Тошпўлатов 12 нафар, бошқа давлат органлари раҳбарлари 31 нафар фуқаронинг шахсан қабул қилиб, уларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашган.

Шаҳар ва туманларда эса ҳокимлар 738 нафар, прокурорлар 398 нафар, Ички ишлар бўлиmlари бошлиқлари 255 нафар, вилоят, бошқа давлат орган раҳбарлари 122 нафар фуқаролар билан мулоқот

қилишган ва уларнинг муносабатлари ижобий ҳал этилган ёки қонуний тушунтиришлар берилган.

Халқ қабулхоналари томонидан амалга оширилаётган тарғибот ва бошқа тадбирлар маҳаллий газеталар, радио ва телевидения орқали кенг ёритилмоқда.

Бундай мақола, радиоэшитириш ва телекўрсатувларда таҳлилий, айрим салбий ҳолатларга нисбатан танқидий ёндашувлар ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонаси шаҳар ва туманлардаги 12 та Халқ қабулхонаси фаолиятига амалий-услубий жиҳатдан кўмаклашмоқда.

Таҳсиллар шунинг кўрсатдики, фуқаролар кўпинча тегишли идора ва ташкилотлар мутасаддиларининг эътиборсизлиги, лоқайдлиги ёки масъулиятсизлиги оқибатида юзага келган ва ҳал этилмаётган муаммолар юзасидан муносабат қилишди. Масалан, фуқаро Тамара Исомитдинова Халқ қабулхонаси мудири Наманган шаҳридаги «Navbahor Lochinlari Pk» масъулияти чекланган жамияти томонидан олти ойдан бери 940 минг сўм яхуний ҳисоб-китоб пуллари берилмаётганлиги юзасидан муносабат қилган. Муносабат зудлик билан ўрганиб чиқилиб, унинг асоси экани аниқланди ва шикоят тақдим этилган куннинг ўзида мазкур ташкилотлар муносабатчининг иш ҳақи олиб берилиши таъминланди. Бундан хулоса шуки, демак, корхона раҳбарияти ўз ҳодими яхуний юқори идораларга шикоят қилишгача бормай масалани ҳал этиб қўйиши мумкин эди.

Ярим йилдан бери поймол қилиб келинган ҳақ-ҳуқуқим Президентимизнинг Халқ қабулхонаси ёрдамида бир кунда ўз ўрнига қўйилди, — дейди Тамара Исомитдинова. — Бу менинг давлатимиз раҳбарини олиб бораётган сисъатга ишонч ва илҳомини оширди. Катта-кичик барча раҳбарлардан халқ дарди билан яшаш, ишлашни талаб қилаётган Президентимиздан гоётда миннатдоримиз.

Наманган шаҳридан ишга жойлаштириш масаласида Ўзбекистон Республикаси Президентининг номига ариза билан муносабат этган фуқаро Матлуба Камоллова, 57-сонли мактабга таълим муассасасидан асоссиз ишдан бўшатилган Раънохон Саиднугоновларнинг муносабатлари вилоят Халқ қабулхонаси томонидан ўрганилиб, муносабат қилинган куннинг ўзида бири ишга жойлаштирилди ва иккинчисининг аввали иш жойига тиклангани таъминланди.

Фуқаро Мусахон Абдуллаевнинг жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг раиси қабули масаласидаги муносабати ўрганилиб, муаллифнинг талаби бўйича Халқ қабулхонасида суд раиси Абдураҳмон Раҳмонов қабули ташкил этилди.

Ногиронлар аравачасига эҳтиёжм борлиги ҳақида Халқ қабулхонасига муносабат қилинган эдим, — дейди Уйчи туманида истиқомат қилувчи 1-гурӯх ногирони Тошмуҳаммад Урозалиев. — Шифохонада даволаниб ётганимда менга Президентимизнинг совғаси сифатида ногиронлар аравачасини топшириб кетишди. Халқнинг рози қилишини ўзига шийор

қилиб олган, нурунийлар, ногиронлар каби меҳр-эътибор-талаб инсонларга гамхўрлик кўрсатаётган Президентимизга узоқ умр, мустақкам соғлик, меҳнатларининг роҳатини кўриб юришни тилайман.

Халқ қабулхонаси мудирининг таъкидлашича, муносабатларда кўтарилган масалалар ҳудудларнинг ўзида ҳал этилиши учун ҳаракат қилинмоқда. Шу мақсадда Халқ қабулхоналарининг мақсад ва вазифалари, фаолияти ва унинг натижалари ҳақида маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига батафсил маълумотлар бериб борилмоқда. Бу борада маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, олий таълим муассасалари, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими, халқ таълими бошқармалари «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа кўллаб давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Фуқароларнинг муносабатларини муттасил ўрганиб бориш устида изланаётган Халқ қабулхонаси мудири ташаббуси билан вилоятда худудий ёндашув асосида фуқароларнинг энг муҳим ҳаётий масалалари бўйича муносабатларини қатъий назорат қилиб бориш механизми деб номланган янги дастур ишлаб чиқилган. Мазкур механизм худудлар кесимида ички гуруҳларни шакллантириш, уларга тегишлилиги ҳудудларда жойлашган ташкилот ва муассасалар раҳбарларини, туман ташкилотларининг етакчи мутахассисларини бириктириш асосида муносабатчининг назоратга олиниши кенг жамоатчилик асосида амалга оширилиши назарда тутилди.

Халқ қабулхоналари одамларни қийнаётган муаммоларини ҳал этишдан ташқари уларнинг ҳуқуқий онги, маданиятининг ўстирувици ўзига ҳоким бўлмоқда. Бу ерда олиб борилаётган ўзаро мулоқотлар, тушунтиришлар фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва мутасадди раҳбарларнинг масъулияти ошишига хизмат қилаяпти.

Вилоят марказида ишлар қанчалик қизғин бўлса, туманларда ҳам ундан кам эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Косонсой туманидаги Халқ қабулхонаси фаолияти билан танишган киши бу ерда фуқаролар учун қанчалик имкониятлар яратилаётганидан қониқиб ҳосил қилди. Сўнгги икки ой мобайнида Халқ қабулхонасида жами 474 та муносабат келиб тушибди. Жумладан, 107 та ариза, 82 та шикоят, 285 та муносабатлар тегишли идора мутасаддилари билан ўрганилиб, асосий қисми ижобий ҳал этилибди.

Менинг қарамоғимда бўлган набирам университетнинг жисмоний тарбия факультетида тўлов-шартнома асосида ўқийди, — дейди Косонсойлик меҳнат фахрийси Незматин Раҳматуллоев. — Тулов борасида бироз қийналиб, Халқ қабулхонасига муносабат қилган эдим. Бугун ушбу қабулда туман раҳбарияти томонидан набирам номига банкда ҳисоб-рақами очилиб, ҳомийлик ёрдами бериш чораси қўрилгани айтилди. Бундай эзгу ишларнинг ташаббускори бўлган Президентимиздан миннатдоримиз.

Чуст туманида ташкил этилган сайёр қабулда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят бошқармалари, ҳуқуқни

муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, Косонсой, Поп, Чуст туманлари ҳокимлари ва ушбу туманлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари, тадбиркорлар, фахрийлар, ёшлар иштирок этган.

Сайёр қабулда фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, кексалар, хотин-қизлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини виртуал қабулхонасига, давлатимиз раҳбарининг жойлардаги Халқ қабулхоналарига тушган ёзма ва оғзаки муносабатларда кўтарилган масалаларга ечим изланмоқда. Жумладан, фуқароларнинг уй-жой, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун ер майдони, кредит ажратиш, коммунал ва ижтимоий хизматларга тааллуқли турли мазмундаги муносабатлари кўриб чиқилди, уларни бартараф этиш бўйича туман ҳокимлари ва тегишли мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янгиқўрғон туманидаги Халқ қабулхонаси томонидан амалга оширилаётган хайри ишлар, сайёр қабуллар ҳам гоёт самарали бўлмоқда.

Халқ қабулхонаси мудири Элдор Парпиевнинг айтишича, шу кунга қадар 100 дан орტიқ муносабат туман ҳокими ва бошқа мутасаддилар билан биргаликда кўриб чиқилган. Уларнинг аксарияти ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти, бандлик, йўл қўрилиши, уй-жой, коммунал хизмат, кредит ажратиш, нафақа олиш, алимент ундириш каби кўллаб йўналишларни қамраб олади. Ҳар бир муносабат синчиклаб ўрганилиб, тегишли корхона ва ташкилотлар ёрдамида ҳал этилмоқда. Жумладан, Нарвўзободнинг Ҳадикент маҳалласида 5,4 километрга ичимлик суви қувури тортиш масаласи ўз ечимини топиш арафасида. Навкентнинг Ровот маҳалласидаги «Қўноқовий» қабристонига иншоотлар томини ёпиш учун 100 та шифер ажратиш юзасидан муносабат туман ободлаштириш корхонаси кўмакда ҳал этилди.

Зарбдор қишлоғидаги «Тинчлик» маҳалласида яшовчи Мўминжаннинг икки фарзанди учун алимент пуллари бир неча йилдан бери ололмаётгани ҳақидаги шикоят ўрганилиб, жами 12 миллион сўмдан иборат қарздорлик ундирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мингбулоқ туманидаги Халқ қабулхонасида ҳам фуқароларнинг муносабатлари доимий эътиборда. Халқ қабулхонаси мудири Фарҳод Раҳимбоев берган маълумотга кўра, туман ҳокими Тоҳирхон Рашидов, прокурор Шўҳрат Қосимов, Ички ишлар бўлими бошлиғи Мансуржон Сатторов ва жиний ишлар бўйича туман суди раиси Бобуржон Эргашевлар иштирокда 17 та муносабат баён этилган масалалар ҳар томонлама кўриб чиқилган ва аксарияти ижобий ҳал этилган.

Хуллас, вилоятнинг қай бир туманига бормайлик, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси одамларнинг оруз-умидлари, эзгу ниязлари амалга ошадиган, армонлари ушаладиган «наҳот қалъаси»га айланаётганини кўриб илҳомландик...

Тўлқин ЭШБЕК

САВДО ҲАМ МАДАНИЯТ

Яқинда хорижда бўлиб қайтган бир танишим у ердаги савдо дўконларию хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳақида: «Уларда ажойиб одат бор экан, бир дўконга кирсанг, очиқ чехра билан қарши олганлари етмагандай, чой ичасизми ё кофеми, деб сўрайди. Молини харид қилсанг, хўп-хўп, мабодо, қилмасанг ҳам ортингдан тўнғиллаб қолишмайди, жилмайиб «яна келинг», дея эшиккача кузатиб қўяди», деб қолди.

ҲАР КИМ ЎЗ МАЖБУРИЯТИНИ БИЛСА

Бугун халқимиз турмуш даражаси кун сайин ошиб борапти. Шунга монанд савдо мажмуаларимиз ҳам замонавий тусга кирди. Гипермаркет супермаркетлари қўя турайлик, олий дўконларимиз ҳам обод, гавжум. Булардан асосий мақсад аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва қулайлик яратишдан иборатдир. Бу эса ўз навбатида аҳоли ўртасида савдо-сотик маданияти ривожига туртки бўлмоқда. Албатта, бунда ҳуқуқий меъёрларнинг ҳам аҳамияти катта. Чунки харидор ва сотувчи ўртасидаги муносабатларнинг шаклланишида ҳуқуқий меъёрлар муҳим ўрин тутати. Бироқ бугун ҳуқуқий демократик жамият қураётган бир пайтда ўз мажбурият ва ҳуқуқларини билмаслик айрим нохуш ҳолатларни ҳам келтириб чиқариши ҳеч гапмас...

Яқинда ёзи кийим учун бозор оралаб айрим сотувчиларнинг ёлғончилигию кўпол муомаласи, фақат четнинг маҳсулотини ўтказиш пайида булишларини кўриб дилим хира бўлди. Пул санашдан бошқасини билмайдиган сотувчилар учун бозор фақат олд-сотди қиладиган жойдир, лекин... Бу борада «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қондаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий оқватланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори каби бир қатор ҳужжатларда сотувчи ва харидорларнинг ҳуқуқ, мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган. Афсуски, савдо ҳодимларининг кўпчилиги бу меъёрлар билан танишиш ўшамайди.

Харидорни ҳурмат қилмаслик, унинг ҳақларини поймол қилиш ўзаро муносабатларда тушунмовчиликларни юзага келтиради. Мисол учун, навоийлик юртовчиликчи Г.Иноятова Зарафшон шаҳридаги 6-кичиқ туманда жойлашган «Мўъжизалар майдончаси» савдо дўконидан қиймати 310 000 сўм бўлган оқшом либосини харид қилди. Либосни уйига олиб келиб, кийиб кўрганида, унинг чоклари яхши тикилмагани ва матоси сифатсизлигини кўради. Бу ҳақида дарҳол дўкон сотувчисига муносабат қилиб, қўйлакка тўланган пулни қайтаришини сўрайди. Аммо сотувчи бу талабни бажаришдан бош тортди. Шундан сўнг Г.Иноятова Зарафшон шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига муносабат қилди. Жамият томонидан мазкур муносабат ўрганилиб, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга кўра, истеъмолчи мақбул сифатли ноозик-овқат товарини харид қилган кунидан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айна шундай товарга алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулни қайтариб олишга ҳаққи борлигини тушунтириб ўтилган, муаммо жойида ечим топди. Агар сотувчи ўз вақтида бундай қонун-қондалардан хабардор бўлганида харидорни овораю сарсон қилмасди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий меъёрларга кўра, озиқ-овқат маҳсулотларини 24 соат ичида, ноозик-овқат маҳсулотларини эса 10 кун муддатда қайтариш мумкинлиги белгиланган. Фақат дорин-дармон, мебель ва заргарлик буюмлари қайтарилмаслиги белгилаб қўйилган.

Федерациямизга аҳолидан савдо ҳодимлари устидан кўллаб муносабатлар келиб туради, — дейди Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Федерацияси маъбуот котиби Умида Мансурова. — Уларнинг кўпчида сотувчининг ҳақсизлик қилаётгани ёки харидор ўз ҳуқуқларини талаб қилганда бажармаслик ҳолатлари кузатилади. Бундай вазиятларда сотувчиларга қонунларимиз тушунтирилиб, масала ҳал этилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бугун харидорлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишини ўрганмоқда. Беш-олти йил олдин бу каби муносабатлар кам эди. Эндиликда эса кун сайин аҳолининг ҳуқуқий онги ўсиб бораётганини кўришимиз мумкин. Истеъмолчилар ҳуқуқий тўғрисидаги қонун қабул қилинганга ўн йилдан ошди. Лекин унинг ижроси йиллар ўтиб амалга ошмоқда. Буни халқимизнинг ўзи, жамоатчилик амали ошираётди. Натижалда савдо маданияти шаклланимоқда. Бугун қонунларимизда истеъмолчи ҳимояси тўла-тўқис ўз аксини топган. Лекин бунинг барчамиз ҳам билармаймики. Билсак-да, андиша қиламиз. Мана бир неча ой олдин барча савдо шохобчаларида савдо терминалларини ўрнатилган бўйича қарор чиқди. Унинг назорати тегишли органлар зиммасига юкланган. Лекин биринчи навбатда бу қарорнинг тўлиқ амалга ошиши аҳолининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишига боғлиқ. Бу эса ўз навбатида савдо маданиятининг ўсишига ҳам хизмат қилади.

Қонуности ҳужжатларида сотувчиларнинг мажбуриятлари тўлиқ акс этган. Ҳатто қонлабузарлик ҳолатларида жавобгарликка тортилиши мумкинлигини ҳамма ҳам биларемаса керак. Агар билишганида, тарозидан урмас, мудатли ўтган, нуқсонли ёки сифатсиз маҳсулотни харидорга ўтказиш пайида бўлмасди. Бу каби ҳолатларни ҳатто муқаддас динимиз ҳам қоралаган. Ҳалол савдо қилиш, маҳсулотнинг айбини айтиб сотиш ҳақида ҳадислар келтирилган. Ҳар ким ҳам қонунлардан хабардор бўларемайди. Бироқ киши одамийлик, инсонийлик тушунчалари ҳақида, ҳалол, ҳаром ҳақида эшитган бўлиши тайин-ку.

Айрим сотувчиларнинг шу ҳақидаги фикрини олишга уриндик. Улар ўз мажбуриятларидан хабардормикин?

— Йўқ, бундай мажбуриятлар ҳақида эшитмаганман, — дейди ўзини Гўломжон дея таништираган йигит. — Лекин бозорда савдо қилиш ҳам осон иш эмаслигини айтмоқчиман. Чунки эрталабдан кечгача гала-говур, шовқин. Бир кунда турли илч қилишлар билан муомала қилишнинг ўзи бўлмайди. Ижараю турли тўловларни тўлаш, кунлик харажатларни қоплаш эса алоҳида масала. Қимлар учун осон пул топаётганга ўхшаймики. Мен учун ундай эмас. Тургисини айтиш керак, вақтида оз бўлса-да ёлғон ишлаштишга ҳам мажбур бўламиз. Чунки яшаш учун курашмоқчимиз. Нега йиллардан бери савдога ўтириб, кишиларнинг психологиясини яхши биламан. Уларнинг қийинлиги, гап-сўзларига қараб муомала қиламан. Турғи, бозор бўлгандан кейин нохуш ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Айримлар молингни бир соат кўради, бироқ олмайди ёки харид қилиб қайтаради. Яна биров терминални талаб қилади...

Харидорлар бу масалада нима дейди?

— Мен кўпинча махсус дўкон ёки супермаркетлардан савдо қилишни яхши кўраман, — дейди, пойтахтнинг Белтепа маҳалласида истиқомат қилувчи Шаҳноза Темирова. — Чунки кўнглимдаги нарсани бемалол кўриб харид қилсан. Сотувчилар ҳам ҳушмуомала. Кейин савдо терминалида ҳам муаммо йўқ. Фақат бозорлар билан нарх тафовутини айтмаса, замонавий дўконлар менга жуда маъқул. Сўнгги пайтда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг дилерлик дўконлари кўпаймоқда. Уларнинг хизмат кўрсатишию нарх-навоси ҳам чўнтақбоп. Сифати ҳам аъло. Шундай дўконлар сон ортиб харидорлар учун яна ҳам қулай бўларди. Бозорда эса пластик карточкага харид қилиш муаммо бўлиши билан бирга хизмат кўрсатиши ҳам ўзига яраша.

Бугунги ўзгартишлар, тараққиёт даврида ҳар бир фуқаро ўз мажбурият ҳуқуқларини билса, жамиятимиз янада тез суриятларда олға қадам ташларди. Зеро, ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий мезони ҳам шундир.


Бобур МУХАММАДИЕВ, «Hurriyat» мухбири

ФОТОАЙБНОМА



Пойтахт марказидаги бир бинога олти изох

- Эски шаҳардаги кўҳна доғ.
- Собик иттифокдан қолган «эсдалик».
- Кимсасиз «ҳовли».
- Шаҳарнинг қоқ марказидаги ғариб гўша.
- Тек туриб жон бермаётган бино.
- Текин реклама объекти.



Мухтарам газетхон, сиз эса уни қандай изохлайсиз? Эзиб юборинг ёки кўнғироқ қилинг.

МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ

Ўзаро ҳамкорликка ундамоқда

УЗОҚ-ЯҚИНДАН ДАРАКЛАР

Азалдан халқимиз тинчликсевар, узоқ ва яқин мамлакатлар билан яхши кўшничлик муносабатларини ўрнатиб келган. Узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган мана шу дўстона алоқалар айна пайтда турли халқларнинг бир-бирини таниши, билиши, тили, маданиятига юксак ҳурмат билан қарашга ундаётгани кишини қувонтиради. Бу ўзаро тотувлик ва меҳр-оқибатни кучайтирмоқда. Мамлакатимизда бағрикенглик ва инсонпарварлик таъмоилини ривожлантириш, миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилганлигининг боиси ҳам шунда.



водхон техниклар, муҳандислар, алоқачилар, компьютерчилар, йўл қурувчилар ва бошқа кўплаб замонавий касб-ихтисос эгалари тайёрлашни замонанинг ўзи талаб қилмоқда.

— Марказий Европада жойлашган Словакия табиий бойликлари, табиат гузалликлари билан ажралиб туради. Қўнғир кўмир, темир, полиметалл рудалари ва бошқа кўплаб кончалар билан бутун дунё эътиборини тортган. Буюк Моравия давлатини эслатиб юборадиган бу кўна заминда қадимий манзилгоҳлар ҳам кўп, — дейди биз билан суҳбатда “Ўзбекистон — Словакия” дўстлик жамияти томонидан амалга оширилган ишлар кўлами кенгайиб, Ватанимизнинг жаҳон меҳварига ўзигини қайтадан намён этишига алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовордир. Энди миллион эгитларга сочилган ўзбек аёлининг меҳнатини бажарадиган техника замони келди. Оғиримизни энгил қилаётган замонавий алоқа воситалари, жаҳонга олиб чиқадиган йўллар фаровон турмушимизни юксалтиришга хизмат қилмоғи керак. Мазкур дўстлик жамиятининг аъзолари Словакия давлатидаги нуфузли олий даргоҳларда тахсил олаётган ёшлар, талбиркорлар, олдий ишчилар билан боғланиб, ўзаро ҳамкорликда йирик заводалар, қўшма корхоналар, хўнара ўргатувчи устаноналардан тортиб, илмий лабораторияларга таъминот этиш, уларнинг фарзандларимиз бошқариш салоҳиятига эга эканини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшиб келаётгани таҳсинга лойиқ.

Тўғри, бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида замонавий турар жойлар, спорт-соғломлаштириш иншоотлари, замонавий таълим муассасалари қад ростлаб, келажакка ишонч уйлари қўйилган. Лекин жамиятимизнинг етакчи соҳаларини ривожлантириш мақсадида хориждан келтирилатган мураккаб қурилмаларни моҳирлик билан бошқаришга қодир са-

лаб, ўсимлик мойларини олиш ва тозалаш технологияси бўйича изланиш олиб бормоқдам. Ихтироларимиз словаклик олимлар билан ҳамкорликда икки тилда тўплам бўлиб чиқди. Энди буни амалиётга қўлашга ҳаракат қилгандимиз, — дейди “Ўзлахташ” компанияси бўлими бошлиғи Ойбек Зуфаров. — Биласиз, бугун талбиркорнинг қаноти техника бўлиб қолди. Агар у бекуму қўст ишлаб турса, ишлаш, иш унумдорлиги ҳам шунга яраша бўлади. Юртимизда пахта қайта ишлаб, аҳолига сифатли ва арзон нархда пахта маҳсулотларини етказиш ва хорижий мамлакатларга экспорт қилиш борасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун хорижий мамлакатлардан кўплаб мураккаб қурилмалар олиб келинмоқда. Уларни маҳорат билан бошқариш, илмий тадқиқотлари натижасида ўзбек моделига асосланган янги технологияларга асос солишган мутахассисларга талаб йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Словакия билан ҳамкорлигимиз нафақат тинчлик, ободлик, дўстликка, балки катта даромадлар, мамлакатимизда маблағ айланиш даражасини кўтариш билан муҳим аҳамиятга эга. Ҳозир савдо дўконларида ҳам ўзимизнинг маҳсулотлар етакчилик қилмоқда. Серкўёш заминимизда етиштирилаётган пахта, бўғдой ёки меваларимиз таркибидagi табиий ва фойдали моддаларни саноғига етолмайсиз. Етиштирилган ҳосилни нобуд қилмасдан, заводларга топширсак, ундан ортганини хорижга экспорт қилсак, бундан нафақат эл-юртимиз бойи.

Албатта, Ватанимиз халқаро сайёҳлик ва туризм салоҳияти бўйича қардош мамлакатлар орасида етакчи ўринда туради. Катта имкониятларга эга эканимизда бугун бугун дунёга ифтихор билан айтишимиз ва бундан оқилона фойдаланишимиз мумкин. Фақат ҳар бир соҳани ривожлантириш учун малакали мутахассисларга эга бўлиш, хорижий ишбилармонларни жалб этиш учун янги экотуризм йўналишларини очиб ва миллий салоҳиятимизни кўрсатиш ўз қўлимизда. Бундай мулоқотлар миллатларнинг жонли маданият ҳамкорлигига, авлодларни ҳамдўсту ҳамкор бўлишига мустаҳкам замин яратди.

**Адиба УМИРОВА,
“Ўзбекистон — Словакия”
дўстлик жамияти аъзоси**

ОНА ЮРТИМ — ОЛТИН БЕШИГИМ

Юртимиз бўйлаб “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураемиз!” шиори остида ўтказилаётган навбатдаги тадбирда қатнашиш учун Қашқадарёга йўл олдик.

Нурли келажак ворислари

Табиат бирам гўзал, бирам мафтункор. Бир ёнда ям-яшил қир-адирлар, бир ёнда интенсив боғлар. Бу манзарани кузатиб юртимиздаги тинчлик ва фаровонликнинг қадри нақадар улуғлигини англайсиз. Вилоятдаги бунёдкорлик ва ободлик бор бўйи баста билан намён бўлиб турибди. Ҳамроҳларимиз — 40 нафардан зиёд санъаткорлар, ҳофизлар, адиб шoirлар кўнглидаги фахр-ифтихорни, сурурни юз-кўзларидан англаш қийин эмас.

Вилоятда 1121 та мактаб, 144 та коллеж ва лицейлар фаолият юрлатади. Гуруҳимиз таркибиде иштирок этаётган санъаткорлар — актёр Фарҳод Абдуллоев, Гузал Файзиёва, Наргиза Солмонова ва эстрада хонандаси Даврон Аҳмедов Қарши, Миришкор, Яккабоғ, Чироқчи туманларида ўғил-қизлар билан қизиқарли учрашувлар уюштиришди, ўз истеъодларини намойиш қилишди.

Чироқчи туманидаги 165-мактабнинг “Сўнгги кўнги-роқ” тадбирида иштирок этиш жараёнида битирувчиларнинг орзулари бир олам эканлигининг гувоҳи бўлдик. Кимдир ўқитувчи, яна кимдир шифокор, талбиркор, журналист бўлмоқчи. Улар келажакда қайси касбни танламасин, мақсадлари муштарак — эл-юртга чин дилдан хизмат қилиш. Оқовча маиший хизмат кўрсатиш ва Кўкдала педагогика коллежларида ёшларнинг илм олишга чанқоқлигини кузатдик. Уларнинг дилди саволлари, долзарб тақлифлари мулоқотимизнинг янада жонли бўлишига туртки бўлди.

Яккабоғ туманидаги 42-мактаб ўқувчиси Чориев Жасур немис тили, 7-мактаб ўқувчиси Маҳмудов Жайхун математика, 8-мактаб ўқувчиси Юсупова Лобар она тили ва адабиёт фанлари бўйича беллашувларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Озиқ-овқат саноати коллежи ўқувчиси, ёш фортепиано ижрочиси Низомова Моҳидилнинг Россия, Италия ва Германия сафрларидан олган таассуротларини тинглар эканмиз, Сулфия номидagi Давлат мулоқоти ҳақиқий эгасини топганидан суюндик.

Кундузги тарғибот тадбирларидан сўнг, кечки пайт қишлоқлар стадиониде ўтказилган гаала-концертлар эса юртдошларимиз хотирасида бир умрга муҳрлангани шубҳасиз. Қашқадарёда яна бир байрамнинг устидан чиқдик. Республика Маънавият тарғибот марказининг энг йирик лойиҳаларидан бири “Юксак маънавиятли авлод” фестивалининг вилоят босқичида бугунги кунда амалга оширилаётган кенг қўламли илохотларнинг моҳияти, Юртимизнинг томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонлар, давлат дастурларининг аҳамияти ёшлар онгига сингдирилиб, уларни гоъвий ва мафқуравий хуружлардан асраш, хушёрлик ва огоҳликка даъват этишга алоҳида эътибор қаратилди. 14 дан 25 ёшга бўлган ёшларни қамраб олган ушбу фестиваль иштирокчиларига голиблик дипломларини топшириш бизнинг гуруҳга насиб этди. Қарши шаҳри амфитеатрида ўтказилган ушбу тадбир ҳақиқий байрамга айланиб кетди. “Бадий ижод”, “Президент асарлари билимдони”, “Мустақиллик тарихи билимдони”, “Энг иқтидорли хўнараманд”, “Ўз асариде миллийликни акс эттирган расом”, “Ўз асариде миллийликни акс эттирган дизайнер”, “Ватан куйчиси”, “Юксак маънавиятли авлод” каби номинациялар голиби деб топилган ёшлар 65 нафарни ташкил этди. Тадбир жараёнида аён бўлдики, юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам истеъодли ёшларимиз ҳаминша эътибор ва эъзода. Хўнараманд, расом, дизайнер, хонанда бўлишни дилига туккан ва ўз орзулари йўлида дилди қадам ташлаётган бу ёшларни кўриб улар келажакда етук мутахассис бўлиб етишишига яна бир қарра амин бўлдик.

Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА

Орзулар оғушида

БОЛАЛАР СПОРТИ

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилиши туфайли илм-фан, маданият, санъат ва спорт каби соҳаларда кўплаб ютуқларга эришиляпти. Айна вақтда эртаимиз эгалари бўлган ўғил-қизларимиз томонидан жаҳон спорт ареналарида кўлга киритилаётган ютуқлар сони ортмоқда. Юртимизда болалар спортини ривожлантириш, спорт ва жисмоний тарбия билан муттасил шуғулланишлари учун қулай шароитлар яратиб беришга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар амалда ижобий натижа берапти, албатта. Бугун келажакимиз эгаларининг дунё спорт ареналарида кўлга киритаётган кўплаб ютуқлари бунга аяққол мисол бўла олади.

юртимизда ўтаётган мусобақаларда голиб ва совриндорлар қаторидан жой олиб келмоқда. Жумладан, қаҳрамонимиз Мустақиллик куни, Наврўз — умумхалқ байрами, Хотира ва қадрлаш куни, Ватан ҳимоячилари куни каби байрам тантаналарида, шунингдек, кўплаб турнирлар, шаҳар ва туман биринчиликларида қатнашиб, голиблик нашидасини суриб келаяпти.

— Ўғлим эришган ютуқлар мисолида аввало, юртимизда ёш авлод камолотига бўлган юксак эътибор самарасини кўраман, — дейди спортчининг онаси Дурдона Файзиёва. — Қаранг, бугун фарзандларимиз Ватан байрогини чет элларда баланд кўтариш шарафига муяссар бўлишмоқда. Зеро, тизим-



да амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, туб илохотлар қутилган натижани бермаслиги мумкин эмас. Она сифатида ўғлимнинг деярли ҳар бир кунини назорат қилиб бораман. Унинг мактабда аъло

Меҳринисо РАСУЛОВА

ЛУҚМА

Чортоқ туманининг Қирғизистон билан чегарадош қишлоқларида мобил алоқа сифати талаб даражасида эмас. Бу ерда истиқомат қиладиган оқсоқоллар кенгашиб, ўз вакилини ЮСЕЛЛнинг Намангандаги офисига юборишди. Аҳволни ўрганиш учун юборилган компания ходимлари шикоятни тасдиқлашди.



“ЮСЕЛЛ, алло, антийнангиз бор жойга чиқинг?!”

Авал бошда яхши бўлган алоқа нега кейин ёмонлашиб кетди, деган саволга ходимлар бу ердаги дарахтлар ўсиб кетсан, сабаб — шу, деб жавоб беришди. Ва яна: “Бу ерда қўшимча антенна қўрмас бўлмайди. Бу ҳақда биз юқори раҳбариятга билдириб, қўшимча антенна қўришга рухсат сўраймиз”, дедилар.

“Қачон?” деган саволга: “2017 йилнинг биринчи чорағида”, деб жавоб беришди. Ушанда 2016 йилнинг ёзи эди.

Электрон ҳукумат шаклланаётган бир даврда мобил алоқанинг юрт равангига ва инсон манфаатлари борасидаги аҳамиятини айтиб ўтириш шарт эмас, чоғи. Ваёда бажарилмади, ҳатто бунга ҳаракат ҳам қилинмади. Шу боис ЮСЕЛЛчиларга матбуот орқали мурожаат қилишни лозим топдик:

“Ҳурматли, ЮСЕЛЛчилар! Сизнинг фаолиятингизни “пайнет” қилиб, баҳоли қудрат молиялаштириб турган миллионлаб ёшлар, қарияларнинг эътирозини эътиборга оласиз, деб умид қиламиз!

Ёшиг бир жойга бориб қолганда томага, топса бисот сандиққа чиқиб антенна қидиравериб малол келмоқда. Зимманеизга оланг маъсулятини бажаринг-да, энди. Бизнинг эса сиздан қарзимиз йўқ. Жавобингизни кутамиз”.

**Аҳоли номидан:
Мухторали СУЛТОНҚУЛОВ,
Отамирза БУВАХОНОВ,
меҳнат фахрийлари**

Шоҳжаҳон Фурқатзода эндигина етти ёшга тўлди. У пойтахтимиздаги Ўзбекистон спорт мажмуасида тўрт йилдан буён тазквонда тўрт WTF билан шуғуллана-

ниб келади. Устози, тўрт қарра қора белбоғ соҳиби Хумоиддин Икромхўжаевдан тазквондо сир-асрорларини қўн билан ўрганиб келаятган Шоҳжаҳон

Ўзбекистон телевидениеси:

«Бошланиши I-белда»

Албатта, телевидение жамиятда инсон мафкурасини шакллантиришда, ёшларнинг ғоявий камолотида муҳим омиллардан саналади. Шундай экан, ҳар қандай бўлавер дастурни томошбинга ҳавола қилиш ҳам ярамайди. Масалан, кейинги пайтларда аздалан авлоддан-авлодга ўтиб келадиган урф-одатларимизнинг, миллий қадриятларимизнинг ҳаётимиздаги бўзилган шакллари телевизор орқали ўрнак қилиб кўрсатилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, бу жиҳатларни тўғри-маърақа, қўнда-анда муносабатлари ҳақидаги дастурлар ёки маънавий мавзудаги айрим сериалларда учратиш мумкин. Ривожланиш баробарида ҳаётимиз ҳам тубдан ўзгаргани рост. Янгича яшаш ва турмуш тарзи қириб кетди. Хориж маҳсулотларидан қўндалик ҳаётимизда фойдаланишми, оддий ҳолатларга аҳамият берилмапти. Фильм қаҳрамонлари (айл киши) спорт кийимига ўйқудан ўйғониб ётоқхонадан ҳам чиқиб келадиган бўлса, ошхонада овқат ҳам пишираверади. Бунга етмаганда, меҳмониямиз спорт кийимига кўтиб олиш ҳолатлари учраб туради. Зеро, асл мақсадимиз бошқалиги сабаб, айнан фалон хонанданинг писмадор кўшиғига ишланган фалончи режиссёрнинг клипиди шундай деб кўрсатиш фикридан йироқимиз. Энг ачинарлиси, бу каби ўқувчиларни ёрдамлаш бўлиши қилинишнидан ташқари ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилипти.

Кайта-кайта эфирга узатиб келинаётган "Туташ тақдирлар", "Умиднинг сўндирма", "Ҳаёт жилғалари", "Ўзи уйланмаган совғи" сингари турмуш иқир-чиқирлари билан боғлиқ айрим маънавий мавзудаги телесериаллар бир неча йиллар аввал суратга олинган "Чархпалак", "Занжир", "Шайтанат" сериаллари каби томошабин меҳрини қозона олди, деб айтиб бўлмайди. Уларнинг аксарияти воқеаларнинг сохталиги, зўрма-зўракчи ясалган қаҳрамонлари билан кишини ранжитилади. На драматургия, на образ бор уларда. Биронта қаҳрамон томошабиннинг эсида қолмайди ҳам.



Яратилган образларнинг бори ҳам ҳаётимизнинг қуйи қатламларидан танлаб олинган гийбатчи хотин ёки миш-миш тарқатувчи аёл, ё бўлмаса, ўзи уйланмаган совғи ва шу каби орамиздаги бачкана ва беўшов инсонларнинг гўёки ижобий қиёфаларидир. Айни дамда телесериалларимизда характер яратиш долзарб бўлиб қолди. Ҳануз асосий муаммолардан бири бу замондошларимиз қиёфасини қандай акс эттириш масаласи бўлиб турибди. Айни кунда бу масалага жиддий ёндашув зарур. Биз хориж сериалларининг бир қисмини кўргудек бўлсак, эртасига унинг давомини кўтиб ўтиришимиз аниқ. Минг афсуски, ўзимизнинг сериаллар ҳақида бундай фикрларни айтмаймиз. Шу кунгача қўлаб сериаллар ишлаб чиқарилиб, томошабинларга ҳавола қилинди. Бироқ биронта қаҳрамоннинг оммалашганини билмаймиз. Шу боис, хориж сериалларидагидек, уларнинг суратлари туширилган эриқларни ҳам кўрмайсиз. Негаки, ишлаб чиқарувчи ўзининг маҳсулотини харидориги бўлишини истайди.

Тўғриси, чет эллик ҳамкасбларимизнинг истеъдодларига тан бермай илож йўқ. Бу борада сўзсиз улардан ўрганишимиз керак. Бироқ қанчалик сериалларимизда саҳналаштирувчи ва либретто бўйича расм ёки дизайн маҳорати деярли кўринмайди. Суратта олинаётган объектилар юртимизнинг гузал масканлари эмас, асосан, эътибордан четда қилиб кетган жойлардан танланапти. Ёки режиссёрларимиз кўз олдимизда бўлаётган бунёдкорлик ишларини кўрмапти ё кўрсатиб беришолмапти. Аслида, моҳир режиссёр ёки таърихи ҳақида, ҳайвонот оламидаги бунёдкорликнинг ҳам маҳорати билан жуда гузал тарзда кўрсатиши керак бўлади.

Тан олиш керакки, замонавий фильмларимизнинг аксариятида либретлар актёр ёки актрисанинг ўз "гардероб"идан танланади.

Шунинг учун тасвирда уйғунлик сезилмайди. Мусиқий ва шовқинли безак (шумовий оформлени) ҳақида ҳам ижобий фикрлар айтиб бўлмайди. Ишлатилган асосий мусиқий ва шовқинли безаклар (қушларнинг овози, тунги чиқирқиларнинг чириллаши, дарё ва шамоллар шовқини, самолёт ва поезд овозлари каби) ўтган асрнинг 70-80 йилларида ёзиб олинган бўлса ажаб эмас. Бу баъзан дастурларда техник шовқинлар қўлланилганда биллиниди. Негаки, айни кунда замонавий автотомшиналарнинг ўт олов товушини фонотекада мавжуд бўлган 80-йилларда ишлаб чиқарилган техник воситалар товушидан фойдаланишми. Шу боис бу бугунги замонавий транспорт воситалари, самолёт ва паровозларнинг шовқинида ҳам яққол сезилади. Ахир бугунда ҳаётимизга кириб келган Афросиёб поезидининг ёки ўзимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий GM Uzbekistan автомобиллари ҳақидаги тасвирларда ифодадалашда ўтган асрда ёзиб олинган шовқинли овозлардан фойдаланиш қўлғили эмасми? Бу шубҳасиз, фонотекаларимизни ҳам янгилаш вақти келганидан далоят.

Бугун олдимизда турган энг долзарб масалалардан бири бу ёшлар тарбияси билан боғлиқ экан, эфирга узатилаётган дастурларнинг аҳамияти нақалар улканлигини тушунамиз. Аввало, биз ижодкорларнинг ҳеч кимни алдашга ҳаққимиз йўқлигини тўғри аниқламоғимиз даркор. Келинг, оқинини айтилик, бугун қайси дастурлар томошабин эътиборини тортаяпти? Ёки қай жанрдagi кўрсатувлар етакчилиги қиялпти? Агар ўзбек телевидениесининг ижодий тараққиёти тарихига назар солсак, йитирманчи асрнинг 70-йилларида теленовелла, телеспектакль, кейинроқ эса видеофильм жанри оммалашган эди. "Баҳор қайтмайди" фильмни бугун ҳам томошабин илқ қиларлар билан эслабди. 70-йиллар охири 80-йилларнинг боши-

КЕЧА ВА БУГУН

ларида эса кўп қисми видеофильмлар ишлаб чиқариш тезлашди ва ижодкорларнинг яратувчилари самараси ўлароқ "Навой", "Бобур", "Гирдоб", "Абадий қонун" сингари қатор адабий асарлар саҳналаштирилиб, томошабин эътиборига ҳавола қилинди. Телевизион миниатюралар театри жанри янгилик сифатида ҳаётимизга кириб келди. Мусиқий фильм ва фильм-концертлар барча томошабинлар эътиборини ўзига жалб қилди. Шубҳасиз, бу телеасарлар ўз даврида қўлаб муҳлисан қўлабдан қўлабга қўлаб кириб келган эди. Улар ҳозир ҳам бадиий аҳамиятини йўқотган эмас, десак алдашмаган бўламиз. 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошиларида ўзбек телевидениесига публицистик жанр етакчилик қила бошлади. Бу ҳам замон талаби эди. Негаки, мамлакатдаги ислохотларни, жамиятдаги ўзгаришларни кенг оммага етказишда публицистик кўрсатувларнинг ўрни катта эди. У жараёни тележурналистик йўл билан тушунириш таъсирли бўлган. 90-йиллар охири ва асрнинг бошиларида эса ток-шоулар ривожланди, дидактик саҳна асарлари кўпайди. Қўлаб томошабинларга манзур бўлган теледастурлар таъбирлиқ, ҳавола қилинди. Уларнинг барига қайсибир маънода юртимиздаги ислохотлар, ҳаётимиздаги ўзгаришлар ўз аксини толган эди. "Оддий ҳақиқатлар", "Баҳар, мунозара, таҳлил" сингари маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ток-шоуларда турмушимизда учраб турадиган баъзи иллатлар ҳақида баҳар-мунозаралар қилиниб, унда салбий қусурлардан қутулиш йўллари изланиб, тугал ечимга келинган бўлса, "Мусиқа: кеча ва бугун" каби мусиқий-кўнгилочар ток-шоуларда миллий мусиқий меросимиз тарихи, бугунги ва эртаси билан боғлиқ мавзулар қамраб олинганди. Ёш ижрочиларнинг ютуқлари билан бир қаторда, камчиликлари ҳам соҳа мутахассислари томонидан айтилганди.

Кейинчалик эфирда берилган дастурлар майдалашиб кетди. Ижтимоий роликларни истисно қилиб айтганда, ҳатто на боши, на охири бор (культминация ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас) уч, тўрт, беш дақиқалик "Уйларим" сингари телеасарлар пайдо бўлди. Бу қисқа дастурларнинг аксариятида фақат бир одамнинг кечин-

лан бирга ишлаш, ижодий ҳамкорлик қилиш катта орзу эди. Уларнинг ўзбек телевидениеси бир қаторда ўз ўринлари билан бир қаторда, мактаблари ҳам бор эди. Бутун жамиятда, мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришларни, туб ислохотларни аҳолига етказишда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, маърифий, мусиқий ва кўнгилочар мавзудаги ток-шоулар жудаям зарур. Уларда фақат муаммоларни эмас, балки ютуқларимизни ҳам тўғри кўрсатиб беришимиз даркор. Айни кунларда эфирга узатилаётган ток-шоулар орасида "Ўзингни англа!", "Ойдин ҳаёт" дастурлари замонавий тиббиёт ва ҳалқ табобатидаги ютуқларимизни очиб-ойдин намойиш этмокда. Унда муаммо ҳам, ечим ҳам айтилади. Дастурнинг ютуғи шундаки, илгари сурилаётган фикрлар ҳақида ифодаланиб, амалиётда кўрсатилади. Аммо, бу дастурлар охириги пайтда шифокорларнинг ким ўз, ёки ўзини кўз-кўз қилиш минбарига айланди.

Телевидение бу — тасвирлар орқали ифодалаш, кўрсатиб бериш санъати. Шу нуқтага назардан қараганда, маърузабозлик қилишнинг фойдаси йўқ. "Муносабат", "Биз учун муҳим" дастурларида ҳам асосий фикрлар ҳақида кўрсатилиб намойиш қилинади. Хар бир жараён тасвирлар орқали гавдалантирилади. Ток-шоуга таъриф буюрган томошабинлар билан мулоқот ва муносабат бор. Улар қирқ дақиқа давомидан барча жараённи иштирок этишади. Мана шунинг учун ҳам дастур қизиқ. Ўз аудиториясига эга. Негаки, унда ҳам муаллифнинг ёндашуви, ҳам бошловчи маҳоратининг юксак савиясини, шу билан бирга, таърихчи иши билан режиссёр ишининг. Айни кунда назаримизда, булардан каттароқ, бутун мамлакатимиз аҳли иштирок этадиган миллий лойиҳалар устида ишлаш лозим. Шу билан бирга, оригинал декорациялар яратиш керак. Биз шу кунларда мана шундай лойиҳалардан бирига гувоҳ бўлиб туришимиз. "Халқаро пресс-клуб" дастурлари орқали дастлабки қадамлар қўйилганини кўрдик. Умуман олганда, ижодий ёндашув, ҳаракатлар, фикрлар, таасуротлар ёмон эмас. "Халқаро пресс-клуб" жонли эфирлари томошабинда ҳам умид учқунларини пайдо қилди, десак муболаға бўлмайди.

Охириги уч-тўрт йил мобайнида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ўсиш суръ-

атлари жаддалашди. Бунинг хорижлик мутахассислар ҳам эътироф этишяпти. Биз эфир орқали фақат рақамларга таяниб, ўсиш кўрсаткичлари ҳақида гапириб келяпмиз. Ахир бунинг студияга соҳа раҳбарлари ва мутахассисларини таклиф қилган ҳолда "Халқаро пресс-клуб"нинг тўғридан-тўғри, жонли дастурлари каби лойиҳалар орқали кўрсатиб беришимиз мумкин экан-ку!

Айни кунда мамлакатимизда саноят маҳсулотларини ишлаб чиқариш хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратилляпти. Айниқса, чарм-поябзал, фармацевтика, машинасозлик, электр техника санояти, озиқ-овқат санояти, енгил саноят, қурилиш материаллари ва ҳалқ истеъмоли товарлари соҳаларидаги ютуқларда бунинг яққол қўлиш мумкин. Шунингдек, мамлакатимизнинг иқтисодий, экспорт салоҳияти ва инвестиция сиёсати ҳақидаги маълумотларини кенг оммага етказиш вазифаси бор. Нимга учун бу каби ютуқларимизни туб моҳиятини томошабинга кўрсатиб ва етказиб беролмаймиз? Тушунишимизча, бизга энди "Халқаро пресс-клуб" дастурлари каби миллий лойиҳалар керак. Бутунга келиб, мана шу каби жиҳатларга эътибор сусайгандек эди. Ўзбек телевидениесининг ижодий равнақи ҳақида дўппини олиб, ўйлаб кўриш лозим.

Информацион дастурларимизнинг шаклида ҳам йиллар давомида ўзгариш кўринмас эди. "Таҳлилнома" дастурининг охириги сонларини кўриб, оддий томошабиннинг фикри ўзгаргани рост. Ахир томошабинга тезкор ахборот улашадиган дастурларимиз илҳолан-йилга ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгилиниб бориши керак. Биз ҳамон дунёда бўлаётган воқеаларни жойидан, яъни чет мамлакатлардан ўз муҳбирларимиз етказишини орзу қиламиз. Бугун бунинг фурсати келди. Негаки, бунга салоҳиятимиз бор. Илгарилари хориж тилларини билмайдиган журналистларнинг кам эканлиги рўқча қилинган. Бугун унга ҳожат йўқ. Хориж тилларини билладиган ёш кадрлар етарли. Уларга тўғри йўналиш бериш керак, холос. Яқин кунларда зора "O'zbekiston 24" ахборот-таҳлилий телерадиоканали бизнинг ана ўша орзуларимизни ҳам рўёбга чиқарса.

Хулоса шунки, бугунги тараққиёт даврида ўзбек телевидениеси ҳам ўз ўрнини топиб, етуқ телевидение бадиий асарлар билан дунёни лол қолдира олиши лозим. Чунки мамлакатимизда бунга салоҳият ва имкониятлар етарли.

Бахтиёр НУРИДДИНОВ, журналист

КАСБ ЯНГИЛИКЛАРИ

Болаликда эшитган эртагимиз бир умр ёдимизда қолади. Жон-қўлогимиз билан эшитган эртақ қаҳрамонларига ўзимизни қиёслаганмиз, улар орқали яхшилик ва ёмонлик тушунчалари орасидаги фарқни англаб етганмиз. Чунки ҳар бир эртақ содда, ёдда қоладиган тилда ёзилган ва ҳикоя характерига эга бўлиб, уни ўқиган инсон эртақ қаҳрамонлари оламига шўнғийди, уларнинг дарди, қувончи ва қайғусига шерик бўлиб яшайди, етишмаган орзуларига айнан эртақ қаҳрамонлари билан биргаликда етишади.

Ўзимизни бежиз эртдан бошламадик. Чунки ҳозир ёзувчи ва журналистлар ўртасида урф бўлаётган "сторителлинг" атамаси инглиз тилидан кириб келган бўлиб, "ҳикоя қилиш" маъносини англатади. Аммо ҳикоя қилиш бирор оддий воқеани сўзлаб бериш эмас, балки ўқувчини ана шу воқеа ичида бўлишига еришиш демекдир. Чунки қанчалик воқеа сизнинг ҳиссиётларингизга таъсир этсагина воқеага муносабат билдирасиз, муаммо ечимига ҳисса қўласиз.

Сторителлинг асосчиси Дэвид Армстронг ўзининг "Managing by Storying Around: A New Method of Leadership" китобида аудитория ва ходимларга жонли воқеалар орқали таъсир этиш усулларини санаб ўтади. Демак, сторителлинг, аудиторияга ахборотни тўлиқ, содда ва тушунарли тилда етказишдир. Бугунги кунда ривожланиб бораётган мультимедиа воситалари сторителлинг аҳамиятини янада кучайтирди.

Сторителлинг орқали қандай мақсадларга еришиш мумкин? Аввало сторителлингдан фойдаланган инсон қуйидаги мақсадларга еришади: - ўқувчи, тинловчи, томошабиннинг оғоствига таъсир кўрсата олади; - зарур ахборотни биринчи уринишда етказилади. Ўқувчи "Муаллиф ўзи нима демоқчи?" деган савол билан қийнамайди; - фуқароларда ватанпарварлик ҳиссини кучайтириши;


реклама материалда товарнинг сотилишига еришиш (бир суртида аянчларни йўқотадиган кремлар, ҳаракатсиз оздирадиган дори воситалари аниқ қаҳрамон мисолида берилиши).

Энг асосийси, ҳикоя структураси тўғри тузилган ва оддий ўқувчига яқин бўлиши лозим. Муваффақиятли сторителлинг бир неча қонунларга асосланади.

Қисқалик. Сизнинг ҳикоянгиз ўқувчи диққатини ўзи билан 10-15 дақиқа жалб этиши қийин. Бу айниқса, мультимедиавий сторителлинглар учун муҳим. Ҳикоянгиз учун аудиторияни қизиқтира оладиган ёрқин қаҳрамон зарур. Ҳикоядаги воқеа тугалланган бўлиши лозим. Сторителлингда ҳулосани очиб қолдириш ярамайди. Ўқувчи воқеа нима билан тугатганини ўйлаб ўтирмай, ўз саволларига жавоб олиши зарур.

Матн аниқ қизиқarli бўлиши ва ўқувчини давомини ўқишга қизиқтириши керак. Муаллиф ҳикоя орқали ўз фикрини ўқувчи онига сездирамасдан сингдириб, ҳикоя сўнгида ўқувчини маълум бир ҳаракатларга ундаши лозим. Аудитория ҳиссиётларига таъсир ўтказиш сторителлинг вазифасидир. Матн аниқ мақсадли аудиторияга йўналтирилган бўлиши лозим. Агарда сторителлинг босма ОАВда берилса, унда фотосуратдан, интернедга эса мультимедиа имкониятларидан кенг фойдаланиш керак.

СТОРИТЕЛЛИНГ



МУЛЬТИМЕДИАВИЙ СТОРИТЕЛЛИНГ

Мультимедиавий сторителлинг бугун жаҳон журналистикасининг етакчи жанрига айлиб улгурди. Ҳаттоки АКШнинг Беркли шаҳридаги Калифорния университетининг журналистика факультетининг Digital Storytelling, яъни рақамли сторителлинг асосий фанлар сирасига киритилди. Мультимедиавий сторителлинг видео, фото, графика ва аудиоинформацияни ўз ичига олади. Албатта, уларни бир жойга жамлаш ва бир мантиқий чизик бўйлаб ҳикоя тузиш орқали ўқувчи ҳиссиётга сезиларли таъсир кўрсатиш мумкин.

Сторителлингда ўқувчи ҳикоянинг ўзи учун қизиқarli қисмини кўриш, ўқиш ва эшитиш имконига эга бўлади. Шунинг учун ҳар бир қисм унга тугалланган ахборотни бера олиши лозим. Бундай журналистик сторителлинг ўз ичига нафақат асосий маълумотларни, балки мавзуга оид статистик маълумотлар, бошқа ресурсларга ҳавоаларни ҳам қамраб олиб, ўқувчининг мавзуга янада чуқуროқ кириб боришига имкон беради.

МУЛЬТИМЕДИАВИЙ СТОРИТЕЛЛИНГДА НИМАЛАР КИРМАЙДИ?

Хар қандай веб-саҳифа мультимедиавий сайтлардир. Уларга матн,

аудио ва видео жойлаштириш мумкин. Уларда интерактив графика ҳам акс этади. Аммо мазкур сайтларга жойлаштирилмаган воқеалар, янгиликлар қўнча фақат графика ёки фотосурат билан безатилади. Сайдта уларнинг ҳар бири, яъни матн, аудио ёки видео мустақил мазмун касб этади. Мультимедиавий сторителлинг эса ҳар бир кўриниш, яъни видео, матн, фотосурат, аудио ва графика битта ҳикояга интеграллашган бўлади.

МУЛЬТИМЕДИАВИЙ ҲИКОЯНИ ЯРАТИШ ҚИЙИНМИ?

Мультимедиавий сторителлинг журналистдан универсаллик ва замонавий техника воситаларини яхши тушунишни талаб этади. Агар сиз видеога тушириб, уни монтаж қила олинганга, аудиооралиқлар ёзсангиз, яхшигина матн ёзиб, суратта туширсангиз, демак, сиз конвергент журналистикада ишлаш оласиз. Хўш, нимадан бошлаш зарур? Аввало, бирор мавзунини танлаб, аввало, дастлабки маълумотларини йиғишга киришинг. Улар аудио, видео, фотосурат ва рақамлар кўринишида бўлиши зарур. Биринчи бошқача журналистик материал структурасини чизиб чиқинг. Албатта, материалнинг ҳар бир қисми бошқаси билан мантиқий боғланган бўлиши лозим. Масалан, сиз маънавий чикиндиларни

замонавий аудитория эътиборини жалб қилишнинг янги шакли

йиғиш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш мавзусини танлаган бўлсангиз, аввало, чикиндининг бир турта эътиборингизни қаратинг. Агар чикиндиндан азият чекаётган аҳоли пункти ва у ерда яшовчи қаҳрамонни топсангиз, яна ҳам яхши. Бевоқиф аҳоли пунктининг бошқарув органлари, фуқаролар соғлигини сақлашга ва санитария-гигиенага масъул шахслар, чикиндини чиқаришга масъул идоралар, уни қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхона масъулларидан аудио ва видео форматда интервьюлар олиш, аҳоли пунктидан бир кунда қанча ва неча турдаги чикинди чиқиши, уларни қайта ишлашдаги муаммолар (масалан, қоғоз, шиша, полиэтилен қайта ишланади, қолганлари умумий чикиндиҳонага ташланади), чикиндининг аҳоли соғлиги ва атроф-муҳитга зарари хусусидаги статистик маълумотлар йиғишга, ҳикоянгизни мантиқий қисмларга ажратиб чиқинг.

нега бу мавзу муҳим (тарихи ва бугунги кун); ҳикоя жойи (тарихи ва муаммога алоқадорлиги); ҳикоя қаҳрамонлари ва уларнинг мавзу билан боғлиқ муаммолари; мутахассисларнинг фикрлари; мавзу доирасидаги бошқа маълумотлар (инфографика, графика шаклида).

Ана шу тамойил бўйича тўплаган материалларингизни жойлаштирсангиз, улар чизиксиз форматда ҳамда алоҳида мустақил маънога эга бўлади. Сторителлинг бош саҳифаси эса асосий сурат ва ҳикоянинг турли қисмларига ҳавоаларни ўз ичига олади. Шундан сўнг ҳикоянгизни қисмларга ажратинг.

— видео, фотосуратли, аудио, графикали ва матн. Ҳикоянгизнинг қайси қисми видеоформатда, қайси аудио ва суратларда яхшироқ акс этишини ўйлаб кўринг. Анимациялашган графикалар айнан солиштирма характерга эга бўлади ва ўқувчи

диққатини ўзига тортади. Сизнинг ҳикоянгизга харита зарурми? Зарур бўлса, интерактив хариталардан фойдалансангиз, ўқувчига ҳикоянгиз айнан аҳоли пунктининг қайси нуқтада ривожланаётганини яққол кўрсатишга хизмат қилади. Сторителлингда матн сиз ахборотни видео, аудио ёки фотосурат орқали бера олмайдиган жойда қўлаш учун зарурдир. Журналистик материалнингизнинг ҳар бир қисми бир-бирини тўлдирishi лозим. Мультимедиавий сторителлингнинг асосий жиҳати унинг интерфаслигидир. Интерфаслининг қуйидаги сервислар орқали амалга ошириш мумкин:

https://juxtapose.knightlab.com — иккита қиёсий — "олдин" ва "кейин" фотосуратини солиштириш имконини беради. http://storymap.knightlab.com — Интерактив харитани яратиш учун қулай сервис. wirewax.com ёки thinglink.com сервислари эса ўз навбатида интерактив видео ёки фотони яратиш имконини беради.

ZooBurst — ушбу сервис орқали сизда 3D pop-up форматдаги рақамли китобангизни яратиш имконини мавжуд. Сервис маълумотлар базасида 10 000 дан ортиқ бепул тасвирлар ва бошқа материаллар бор. ZooBurst фойдаланувчилари гиперҳаволадан фойдаланган ҳолда ўз китобчалари билан улашишлари мумкин.

StoryBird бир-икки дақиқа ичида рақамли визуал ҳикояларни яратиш имконини берувчи бепул ресурс. Бутун дунё аниматор ва иллюстраторлари ижодидан фойдаланган ҳолда ҳикоянгизни ёрқинроқ, кўримилоқ қилиш мумкин.

Мультимедиавий сторителлинг яратиш асосларини ўрганиш журналистларга нафақат янги технологияларни ўрганиш, балки ўз материалига глобал тармоқ орқали бутун жаҳондаги барча қизиқувчилар эътиборини жалб этиш имкони ҳамдир.

Наргис ҚОСИМОВА

ҚАТАР ва ҳАТАР

ШАРҲ

Яқинда Миср, Бахрайн, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари қўшни Қатар давлати билан дипломатик алоқаларни узишларини эълон қилди. Биринчи бўлиб Қатар билан алоқаларни Бахрайн узди. Расмий Манама Қатарни мамлакат ички ишларига аралаштиришга айблаб чиқди. Орадан кўп ўтмай Манама ёнидан Ар-Риёд, Қоҳира ва Абу-Даби жой олди. Кейинроқ уларга Маврикий, Мальдив, Ливия, Яман қўшилди. 6 июнда эса Иордания Қатар билан дипломатик алоқалар даражасини пасайтиришини маълум қилди. Жумладан, Иордания ўз ҳудудига Қатарнинг "Ал-Жазира" телеканали фаолиятини тақиқлади.



қунига тўрт марта Доҳага икки томонлама рейсларни амалга оширар эди. Ҳукуматга тегишли Fly Dubai авиакомпанияси ҳам бу йўналиш бўлиб парвозларига чек қўйди. Бахрайнинг Gulf Air ва Мисрнинг Egyptair авиакомпаниялари ҳам рейсларни тўхтати.

Ҳаво ҳудудининг ёпилиши ва қўшни давлатларга қатновнинг бекор қилиниши натижасида Қатарга тегишли Qatar Airways авиакомпанияси ҳам зарар кўриши аниқ. Бу авиакомпания ҳар кун уч қўшни давлатга 40 дан ортиқ рейсларни амалга оширган.

Саудия Арабистони билан қуруқликдаги чегара орқали савдо муносабатлари тўхтатилиши туфайли 2022 йили Қатарда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати объектлари қурилиши ҳам тўхтади. Бугунги кунда Қатарда футбол бўйича 2022 йилги жаҳон чемпионати билан боғлиқ бир қатор йирик кўламли қурилиш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Чегарасининг ёпилиши қурилишларнинг тўхта қилиши ва нахрларнинг охишига олиб келади. Футбол бўйича 2022 йилги жаҳон чемпионати Қатарда ўтказилиши ҳам гумон остида қолмоқда. Аввалбошдан, чемпионатнинг Қатарда ўтказилишига қарши турли баҳоналар айтилган эди. Ҳозирча Қатар—2022 ташкилий қўмитаси бу борада расмий муносабат билдирмади.

Германия футбол иттифоқи президенти Райнхард Гриндел футбол жамоатчилиги улкан туринг терроризминг фаол қўллаб-қувватловчи давлатга ўтказилмаслиги лозимлигини маълум қилган. Шунингдек, Қатар бундан кейин бошланган иқтисодий қийинчиликлар, қўшнилари билан чегаралар ёпилиши туфайли чемпионатга тайёргарлик кўра олмаслиги, қурилиш материаллари ва ишчи кучи етишмаслиги туфайли керакли стадионлар ҳамда бошқа инфраструктураларни вақтида қуриб битира олмаслиги мумкин.

Бундан ташқари, эндиликда Саудияда каталонияликлар клуби либосини кийган кишига 135 минг евро миқдорда жарима солинади ва 15 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси қўллавилади. Чунки "Барселона" клуби Қатар компанияси билан тек-

сининг аъзоларини овоз қилишдан ташқари, Сурияда экстремистлар томонидан ҳибсада сақланаётган яна 50 кишини овоз қилиш учун ҳам ишлатилган.

АҚШ президенти Дональд Трамп Руминия президенти Клаус Вонер Йоханнис билан музокаралар якунларига бағишланган матбуот-анжуманда Қатарни террорчиликни молиялаштиришда айблади ва бунга чек қўйиш вақти келганини айтди.

АҚШ давлат котиби Рекс Тиллерсон Форс кўрфазини мамлакатларини Қатар атрофидаги вазият туфайли минтақада эскалацияга йўл қўймасликка, Қатарни эса қўшнилари хавотирига бефарқ бўлмасликка чақирди. Тиллерсоннинг сўзларига кўра, қамал АҚШнинг минтақадаги бошқа мамлакатлардаги фаолиятига ҳам ҳалал беради.

Германия ташқи ишлар вазири Зигмар Габриэлнинг сўзларига қараганда, араб давлатлари томонидан Қатарнинг яқкалб қўйилиши Форс кўрфазидagi янги моҳаролага олиб келиши мумкин. Габриэл сўнги ҳафта-ларда Саудия Арабистони, Қатар ва Туркия ташқи ишлар вазилари билан шахсан учрашгани ҳамда эронлик ва кувейтлик ҳамкасблари билан телефон орқали мулоқот қилганини таъкидлади. "Мен ўтказган маслаҳатлашулардан кейин вазият қанчалик жиддий эканлигини аниқладим", деди Германия вазири. Унинг фикрича, вазиятнинг ечимини музокаралар йўли билан ҳал қилиш керак. Германия канцлери Ангела Меркель ҳам Форс кўрфазини давлатлари, Эрон ва Туркия Қатар билан юзага келган ихтилофни ҳал қилишлари кераклигини таъкидлади.

Германия канцлери Ангела Меркелнинг сўзларига қараганда, Қатар атрофидаги инқироз минтақадаги барча "уйинчилар" иштирокидагина ҳал қилиниши мумкин. Мексикага расмий ташриф билан келган Германия канцлери "юзага келган вазият ташвишли эканлиги, Форс кўрфазини Араб давлатлари ҳамкорлик ташкилотига кирувчи мамлакатлар ўзaro ҳамкорлик қилиши зарурлигини" таъкидлаб ўтди. Канцлернинг айтишича, минтақадаги барча моҳарола, жумладан, Сурия, Ироқ ва Ливиядаги вазият тинч йўллар билан ҳал этилишидан европаликлар манфаатдордир.

Айни дамда инқирозни бар-тароф этиш йўлида бир қатор мамлакатлар воситачилик қилишга тайёргилини билдиришмоқда. Кувейт амира қўшни мамлакатларга сафар қилган бўлса, АҚШ президенти Дональд Трамп минтақа раҳбарларини Оқ уйга таклиф қилди.

Интернет хабарлари асосида Шарофидин ТўЛАГАНОВ тайёрлади.

БУ ТУРФА ОЛАМ

Siemens ва КамАЗ биргаликда электромобиллар ишлаб чиқаради



Дунёга машҳур машиный техника ва электрон жиҳозлар ишлаб чиқарувчи Германия концерни Siemens КамАЗ юк автомобиллари ишлаб чиқариш заводи билан ҳамкорликда электромобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

Бу борадаги шартнома Санкт-Петербургда ўтган халқаро иқтисодиёт форумида имзоланди. Россия компанияси раҳбари Сергей Когониннинг айтишича, немислар кўмағида КамАЗ янги қатор оилавий автомобилларни ишлаб чиқаришни режалаштирганди. Бу моделларнинг афзаллиги томони электромобиль бошқарувчисиз ҳаракатланиш билан бирга унинг двигатели газ билан ишлайди.

Alibaba Group хўжайини бир кунда 2,8 миллиард доллар топди



Хитойнинг Alibaba компанияси хўжайини Жек Ма ўтган пайшанба кунининг ўсида 2,8 миллиардга бойиқди, деб хабар берди, Bloomberg. Бунга сабаб 8 июнда ўтказилган биржа савдоларида маъмур компания акцияларига бўлган талаб жуда ошган. Натижада акцияларнинг нархи 13 фоизга қимматлашди.

Alibabaнинг молиявий масалалар бўйича директори Мэгги Вунингнинг айтишича жорий йил якунлари бўйича компаниянинг даромадлари 45-49 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Хитой бойлари рўйхатини бошқариб турган Жек Маннинг умумий бойлиги йил аввалида 8,5 миллиард доллар қўшилган эди. Бугунги кунда унинг умумий капитали 41,8 миллиард долларга тенг. Хитойлик ишбилармон айни кунда дунёнинг энг бой тадбиркорлари рейтингига 14 ўринда бормоқда.

Дунёдаги бепул дам олиш мумкин бўлган 7 жой номи айтилди



Британиянинг The Guardian газетаси дунёнинг турли нуқталарида сайёҳларга текин хизмат қилаётган меҳмонхоналардан етти тасини ҳақиқатда маълумотларни чоп этди. Аммо шартли шукки, меҳмонлар қўлларидан келадиган юмушларни бажаришлари керак бўлади.

Масалан, Шри-Ланканинг Канди шаҳридаги 30 ўринга мўлжалланган Helga's Folly бутик-меҳмонхонасида расмолар бепул фойдаланишлари мумкин. Фақат улар бутик-меҳмонхона деворларига ўз ижодларидан намуналар чиқишлари шарт. Деворга расм солишни меҳмонхона хўжайини Перера бир неча йил давомида ўзи ривожлантириб келди. У 2016 йилдан бундан эса меҳмонхонага ташриф буорайётган расмолар кучидан фойдаланмоқда. Бу ўз навбатида бошқа сайёҳларни жалб этишда муваффақият қалити бўлаётти. Шунингдек, бепул дам олиш мумкин бўлган меҳмонхоналар рўйхатидан Камбоджа ва Филиппинда хизмат қўсаётган Mad Monkey меҳмонхоналар тармоғи ҳам жой олди. Унинг хизматидан расмолар, мусиқчилар, фотографлар, блоггерлар ва бошқа ижод қилувчилари бир кундан икки ҳафтагача бепул фойдаланишлари мумкин. Албатта, бу жойда ҳам мушук текинга офтобга чиқмайди. Яъни қарс икки қўлдан чиқадиган, дегандан... Текин меҳмонхоналар хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга мижозлар бошқа сайёҳларга қўлларидан келадиган "хунарларини" тақдим этишлари шарт.

Грециянинг Корфу оролида жойлашган Sunrock Backpackers Hostel эса бепул дам олувчиларга меҳмонхона хизмати ва унинг фермасида ишлашни таклиф этади. Бундан ташқари, сайёҳларга бепул дам олиш имконини тақдим этган еттиликка Янги Зеландиядаги Piha Beachstay, Жанубий Африкада жойлашган The Pla ва Мексиканинг Casa Mermejita хотеллари ҳам киритилган.

Япония Банки робот ишлаб чириш компаниясини сотиб олди



Американинг Alphabet холдинги ўз тасарруфидagi робот ишлаб чиқаришча мўлжалланган Boston Dynamics компаниясини Япониянинг SoftBankга сотди.

Ушбу компания АҚШ бозорида Atlas ва BigDog роботларини ишлаб чиқарётган эди. Компаниянинг японларга қандай шартлар асосида сотилгани борасида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Бироқ, охири пайтларда робот ишлаб чиқариш бозорда ўзини унчалик оқламай қолди. Шунинг учун Alphabet 2016 йилдан бери ушбу тармоғига харидор қидиришга киришган эди. Дастлаб, асосий харидорлар сифатида Amazon и Toyota номлари тилга олинган. Қўриб турибсизки, савдонинг охирида харидор номи ўзгарган.

SoftBank — ахборот телекоммуникация технологиялари бозорида йирик сармоядор инвесторлардан бири ҳисобланади. 2012 йилда у французларнинг Perrege номлидаги роботлар ишлаб чиқарувчи Aldebaran Robotics, компаниясини сотиб олган эди. Бундан ташқари, Fetch Roboticsларини яратишга 20 миллион доллар сармоя киритган. Perrege роботларида Японияда қизиктириш жуда юқори. Бу ўз навбатида компанияга робот ишлаб чиқариш ва уни сотишда мўмай даромад киритмоқда.

Шу ўринда айтиш кераки Atlas роботлари кучли силкинишга ва зарбаларга чидамли. BigDog эса тўрт оёкли роботдир.

Санжар ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

Интернет маълумотлари асосида Жобир РАЗЗОҚОВ тайёрлади.


БУРУНДАН БУРУНГИ БРУНЕЙ

ЖУГРОФИЙ САЁҲАТ

Дунё харитасида шундай давлатлар борки, баъзилар уларнинг номини билмаса, баъзилар эса харитадан топишга ҳам қийналади. Лекин уларнинг айрим ўзига хос жиҳатлари борки, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Жануби-шарқий Осиёда жойлашган Бруней султони яна шундай аjoyиб давлатлардан бири. Мақола мутлоа қилгач, дунё харитасидан бу мамлакатни қидириб қоласиз, Бруней давлати номи эса ёдингиздан ҳеч қачон кутарилмайди, деб умид қиламиз. Бу дийрнинг ўзига хос жиҳатларига эмас, унинг машҳур аллома бобомиз Абу Райҳон Беруний номига уйқаш эканлиги ҳам унуттиришга йўл қўймайди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, бу шунчаки тасодиф, бобомизнинг бу давлат билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Бу митти ўлжанинг тўлиқ номи Бруней Доруссалом бўлиб, "Дунё даргоҳи" деган маънони билдиради. Брунейликлар кучли эътиқоди, қаттиқ тартиб-интизоми билан бошқа давлат фуқароларидан ажралиб туради. 408,786 нафар аҳолисининг 3/2 қисми мусулмон бўлгани учун у ерда 2014 йилдан



дунёдаги қўллаб инсонлар қатори "Мерседес" ишқибози бўлиб, унинг гаражида бу русумдаги машиналар сони 719 тани, "Бентлей" русумидаги автоуловлар эса 361 тани ташкил қилади. Султон серфарзанд, унинг бешта ўғли, олти нафар қизи бор.

Мамлакат иқтисодиётининг асоси ерости бойлиқларидир. 1929 йилда Брунейда биринчи марта нефть қазиб олинди, юқори сифати туфайли уша вақтнинг ўзидаёқ харидориги бўлган. Мамлакат бюджетининг 90 фоизини нефть ва газ маъмулотлари савдоси ташкил этади. Султонлик аҳолиси моддий жиҳатдан яхши таъминланган бўлиб, ҳар бири ўзининг шахсий автомобилга эга. Расмий пул бирлиги Бруней доллари-дир.

тобе бўлган. XV асрда эса Бруней ҳукмдори Алакбер Тата исмиди шахс Мухаммад номини олиб, мамлакатнинг биринчи султони бўлди. XVI асрнинг 1-ярмида султонлик гоят раванқ топди. XIX аср бошларида Бруней қароқчиларнинг энг йирик марказларидан ва қўл савдоси бозорларидан бири бўлиб қолди. 1888 йил Бруней Англия протекторатига айлан-ди. 1984 йил 1 январда эса мустақилликка эришти.

Бу давлатга сув ва ҳаво йўллари орқали бориш мумкин. Сайёҳларга мамлакат пойтахти Бандар Сери Бегаван шаҳрида жойлашган Умар Али Сайфуддин масжиди, Бруней музейи, Ҳасан ал-Болкиах масжиди ҳамда Султон саройини томоша қилиш ва суратга олиш жуда ёқди. Бундан ташқари моторли қайиқда сув ёқасидаги қишлоқларни саёҳат қилиш, жониворларга бой ўрмон катта таассурот қолдириши турган гап.

Брунейда Шарқнинг анъаналари тўлақонли намоён бўлади. Миллий таомлари асосан гуручдан тайёрланади. Аччиқ маъмулотлар даярли истеъмол қилинмайди. Бруней давлатига борсангиз, гўзал табиатдан баҳра олсангиз ва мазали таомлар соғлингизда ижобий таъсир кўрсатади.

Санжар ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

КОМУС

Унутилмас номлар

Хўжамиев Тўлаган – ТАВАЛЛО (1883–1938) – ўзбек миллий адабиётининг намоён даларидан бири. Тошкентда Обиназир маҳалласида, кўйибон Жияибой Хўжамиевнинг оиласида дунёга келган. Эски усулдаги мактабда таълим олган, рус-тузем мактабининг 5 синфини тугатган. Сайрамлик машхур шоир Юсуф Сарёмига шоирд тушиб, мумтоз адабиёт ва шеърят сирларини ўрганган ва ўзлаштирган. Тавалло 1900 йиллардан бошлаб бадиий ишҳо билан шуғуллана бошлаган. У шеърятда мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттирган ҳолда ўз даврида шиддат билан жамият ҳаётини қириб келатган ислохотчилик гоъларини тараннум этди. Ўз замондошлари билан бирга “Жамияти имдодия”, “Турон” ҳамда “Шўройи ислом” ташкилотлари фаолиятида иштирок этди. 1900 йилда отасининг тавсиси билан Пржевальска бориб, Усмонбек бойнинг қўлида гушта бўлиб ишлайди. 1909 йилда у ердан қайтиб келиб, Бекларбеги мадрасасида бироз тахсил олади. 1914 йилда садршоҳлари билан бирга “Нашиёт” фирмасини ташкил этди. 1914–1916 йилларда савдогар Алберт Губер фирмасида гушта, 1917–1918 йилларда Тошкент эски шаҳар изрокўмлари ҳайат аъзоси; 1918–1919 йилларда Турк ЧКда ишлади, фирқага аъзо бўлди; 1924 йилда Фаргона реэтрибуналида ишлаган. Туркистоннинг талғийгина нашрлари, жумладан, “Туркистон валайхатининг газети”, “Ойна”, “Саодий Туркистон” кейинчалик “Қизил байроқ”, “Туркистон” нашрларида, айниқса, “Муштум” журналида сатирик шеърлари билан фаол қатнашди.

1926 йилда матлубот ташкилотиди ишлаган. 1937 йилда “Қизил хомашчилар уюшмаси”да инструктор бўлиб ишлаган. 1937 йил қамқоққа олиниб, шу йил 19 октябрда отувага ҳукм қилинган.

1916 йилда “Равнақул ислом” шеърлар тўпламини чоп эттирган.

Султон қори ЖУМАНИЕЗОВ (1878–1937) жамоат арбоби. Хоразм вилоят Хива шаҳрида деҳқон оиласида дунёга келган. Эски усулдаги мактаб ва мадрасада тахсил олган, Ургандаги Хўжақули мадрасасида қорликни хатм қилган. Соатсозлик ва тикувчилик касбини эгаллаган. 1920 йилда Хоразм фирқа қўмитаси аъзоликка қабул қилган. 1920–1921 йилларда Янги Урганч тумани Ижроия қўмитаси котиби, Хоразм республикаси Марказий Ижроия қўмитаси раиси. 1921–1922 йилларда Хоразм Халқ Жумҳуриятининг Масковдаги ваялатли вакили, 1922 йил ишқинчи яримдан яна аввалиги котиблик вазифасини бажарган. Шу йилнинг охирида Халқ Маориф комиссари, 1925–1927 йилларда уезд бўлим мудир, 1927–1929 йилларда Адлия вазирлигида меҳнат шубҳаси раиси. 1929 йил охирида қори бўлгани учун ишқимойий ёт унсур сифатида барча ишлардан четлаштирилади. 1930 йилда Акмал Икромов тавсиси билан ишга ва аъзоликка тикланади. 1934 йилгача Хонка туман хунарманлар санаоти уюшмасида сиёсий маориф ходими бўлиб ишлаган. 1934 йилдан 1937 йил 27 августгача Хива давлат музейида директор. 1937 йил 27 августда ҳибсга олинган. 1937 йил 28 ноябрь қарори билан отувага ҳукм қилинган.

Нашрга тайёрловчи: Сирождин АХМАД

Бизга режиссёр керакми, ўзи?!

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

Дабдурустан бундай савол қўйиш галатирок туюлиши табиий. Бугун томоша дегани кўпайиб, санъат нарироқ турсин, не-не маънавий банг, олди-қочди кино, спектакль, сериал, клип, шоу ва ҳоказолар учун ҳам режиссёр дегани талабгир бўлиб турган пайтда бундай савол қўйиш, албатта, ноўриндек. Аммо, не ажаби, бугун бизга режиссёр керак эмас экан, чоғи. Аникроғи, ўз ишини пухта биладиган, спектакль деган ҳодисани миридан сиригача юрагидан ўтказиб, уни росмана санъат ўларок жамиятга тақдим этадиган юксак прфессиинал санъаткор режиссёр керак эмас экан.



Нари-бери қитиқ қўзғайдиган, у-бу воқеа латхакни амаллаб бир-бирга ёпиштириб, тангроқ вазиятдан чиқиб кетадиган, унча-бунча пичратқи эҳтиросларни қўзғатиб, қўзга нам, лаб-лунжга таъм сола биладиган чаламулла, анчайин ажбатовур, гапдон, учар бир кас бўлса кифоя: боса-бос шоу-томоша, бадабанг шоҳ ташлаб ўйин-қўлги, қий-қирқиқ, жазав... Эй, Худо, қачон бу ношуларга ақл, инсоф, ўй-тушунча киради, деб куйинганинча қолаверасан. “Боре, керакми битта савил жонимга”, деб юборар даражага келиб қолиб, ўзингни фаолиятсизликка ҳукм этасан... Аммо... аммо қани ўша “э... боре...”дан топадиган ҳаловатинг?! Йўқ... йўқ у! Чунки бу қисмат – Яратган эганнинг пешонанга ёзгани – тамгаси.

Маломат қиладимиз, таъна-дашном берадимиз, не бир имконияту мартаба, жиҷагина амалу умидворликдаги унвоно нишон – барининг андишасини йиғиштириб, ўзингни жабага отасан, бўлганча бўлар дейсан, қисматдан юз буроломайсан – таваққали Худо!

Эзуқми бу ёки бахт, ҳар қалай, виждон билан яшаш, “Жим туролмайман!” (“Не могу молчать”) деган Толстой бобога ўхшаб фарёд уриш қўз ўнгида воқе бўлиб турган адолатсизликка кўниқолмай, мунг кечадиган танқидчи – мушоҳадали, муносабатли одамнинг, мутахассиснинг ва, энг муҳими, фуқаронинг вазифаси, ҳаққи рости бурчилди, аввало. Шу андишада моҳи-рамазоннинг ўн биринчи саҳари қўлга қалам олдим. Сабаби боис ўннинг кун рамазон ифторидан сўнг Баҳодир ака Йўлдошевнинг қўнғирок қоқиб, авламо ангиз каминага қилган маломатлари, “Ўзбекка режиссёр керакми ўзи?!” дея қайта-қайта берган аламли саволлари бўлди.

Маломатки – жон-жонимдан ўткуллик: театрларда янги томоша бўлса, бориб ошини еб, мақтаб келаверасанларми, директорларнинг элик доллорлик харажатига сотилиб кетаверасан, деган тухмат тошлари...

Аламки – кунги кеча (шу гаплардан икки кун аввал) Ўзбек давлат драма театрига вазирининг биринчи ўринбосари шахсан бориб, Ўзбекистон санъат арбоби, атоқли режиссёр Олимжон Салимовни бутун жамоага бош режиссёр сифатида таништириб келса-ю, Олимжон ака бор жамоа кимлардан иборат экан, билиб олай, дея шатат жаъвалини сўраб-суриштиргани учун у ерда вақтинча вазира бажариб ўтирган директор (аслида директор ўринбосари лавозимиди) касбу кори театрга муллақо алоқаси) йиғитча “Сенинг ишинг спектакль қўйиш, театрда ким ишлайди, бу ерга ким ки-

риб-чиқади, ишинг бўлмасин” дея отаси тенги одамни, Ўзбекистоннинг қўздаги атоқли режиссёрини беҳурмат қилиб, дўқ уриб, ҳайдаб солгани... Янаки, вазири аъзамнинг ўзи илтимос қилиб, Баҳодир Йўлдошевнинг қийин-қистовни билан О.Салимов театр бош режиссёрлигига не бир андишаларда борган бўлсаю, “шу даргоҳга рози бўлиб келдимиз, энди қорин учун эмас, қадр учун, ўзбекининг санъати, театр деб юрган каттаю кичик қора кўзлари ҳаққи бирор ўзгаришлар қилишим керак. Ўзбекистон янги паллага қадам қўйди, Юртбошимиз оламшумул ишлар билан юртни тараққий эттириш тадорикларида ёниб юрганида унга ҳамфикр, ҳамқадам бўла билайлик”, деган янгигина бош режиссёр хали таъин иш бошламай, пойгакдаги ўрнига ишора қилиниб турса?.. Бунга не деб, қандай тушунмоқ керак?

Баҳодир аканинг фиғони ошиб, яна каминага нишларини сангади: “Эй, барака топқувлар, мени эмас, Олимжон Салимовни эмас, театрни, ўттиз еттига ўзбек театрини ҳимоя қилинлар ҳар хил касу ноқаслардан. Қачонгача режиссёр зоти хор бўлади?! Маннон Уйғур шўро пайтида, мафқурадан оғиб кетаяпти деб, бир мудат бош режиссёрликдан олиниб, чеккага суриб қўйилган бўлса, Тула ака (Тошхўжа Хўжаев) санъатдаги дилетантлар туфайли театрдан беэиб, ичкиликка берилиб, ажалидан беш кун бурун ўлиб кетган бўлса, Эрташ Масарафини қисмати ёки ўзининг, Олимжоннинг талабчанлигимиз учун бошимизда ўйнаган маломат қамчилари, хўр-хорликлар – қачон тугайди булар?! Ким ҳимоя қилади бизни?! Нима, Ўзбекистонда режиссёр дегани шунчалар қўпми? Азбаройи кўпчилигиники, ёшим етмиш иккига кириб майдонма-майдон югуриб юрибман. Бу каминага шараф, албатта. Аммо тегиримон навбати биландал!.. Росмана санъаткор режиссёрнинг йўқлигини, тайинли тайёрланмаётганиданки, Олимжонни юраги касал ҳолида, етмиш ёшида “Театрга бор, шунча умид билан юрган актёрлар – умри беҳуда ўлмасин” дея мажбурлаб илтимос қилиб турсак. Охири борми, бу нононликларнинг?!”

Бу гаплар, бир қарашда, хусусий ҳолатга тегишлидек туюлади. Ҳа, энди, театрчилик, баланд-паст гаплар ҳаминша бўлган, бўлаверди. Шунга ҳам “ота гўри қозихонами?! Ундан кўра у-тўрт кун бурун эълон қилинган “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентига қарори унда тасдиқланган 2017–2021 йилларга мўлжалланган чора тадбир-

лар Дастури хусусида сўзлашсак маъқулмасмиди, деб қоласан. Баъини шундай, ҳаққи рости! Аммо Баҳодир аканинг куйиниб, алам-ланиб айтган гаплари айни шу ҳужжатта бевосита алоқадор экани ҳам лоп-лоп хаёлинга келаверилади. Санъатни ривожлантириш ва такомиллаштириш дегани, албатта, режиссёр кадрларнинг истеълоди, салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ жараёнки, ҳақиқий режиссёрсиз санъат, айниқса, театр санъати сира ривожланиши, инчунун, такомиллаштиши мумкин эмас.

Маннон Уйғур 22 ёшида “Турон” труппаси (ҳозирги Миллий театр) етакчиси бўлган эди. Тошхўжа Хўжаев 33–34 ёшларида, Баҳодир Йўлдошев эса 23–24 ёшларида катта-катта давлат тадбирлари, съезд, қурултой ва бошқа турли байрам томошаларини санъалаштириб, дурустгина ҳаётий ва ижодий тажриба тўплаб, йиғирма саккиз-йигирма тўққиз ёшларида ҳозирги Миллий театрининг Бош режиссёри бўлган эди. Бошқа атоқли режиссёрларимиз хусусида ҳам шундай мисоллар келтириш мумкин. Улар айни навқирон ёшларида ўз ижодий “мен”ларини намоён этиб, жиддий ижодий труппаларга етакчи бўла олишларини амалда қўйган спектакллари, жамоаларни йўналтира билганлари билан исбот этиш эдилар. Қани, ана шу анъана ва етакчиликка қобил етук ёш истеълодлар!

Ўзбек театрининг режиссёрлик ва актёрлик мактаблари, анъаналари бор ва улар ўн йиллар давомида шаклланиб, ривожланиб келадиган эди-ку. Нега оқиб турган деб ўзанлари қуруқшаб бораёпти? Шу ҳолатда ўзбек театр режиссёрлиги санъатини Баҳодир Йўлдошев, Олимжон Салимов, Мансур Равшанов, Карим Йўлдошев, Насир Отабоев, Жўра Маҳмудов, Валижон Умаров, Сайфиддин Мелиевлар ўз ижоди, изланишлари, маҳорат ва ижодий ташкилотчиликлари билан сақлаб турган эканлар, уларнинг қадрига ета билишимиз, асрашимиз ҳам зарур-ку! Таъбир жоиз бўлса, театр учун маъмурий хизмат ходимлари топлаверали, булар оз эмас, аммо режиссёр масаласи муҳимлардан муҳим. Чунки режиссёр туғилди, диплом ё бир шаҳодатнома билан талаба режиссёр бўлиб қолмайди. Маболо, шундай бўлганда бутун пойтахтимиздаги аксарият театрлар ҳозиргидек бош режиссёрсиз, йўлини топа олмай юрмасди. Шунинг учун ҳам Баҳодир аканинг куйиниб айтган фикрлари бу хусусий ҳол эмас. Қолаверса, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев ҳам ўттиз икки миллионли мамлакатнинг олдий бир фуқароси эмас. У бир пайтлар таниқли арбоб, ҳозирда марҳум устозимиз айтоқчи, “респуб-

лика мулки” – ўзбекининг фахри, бойлиги. Демакки, бу одамнинг ўзи каби фикрини ҳам хусусий фикр деб қабул қилиб бўлмайди.

Шу гаплар билан мазкур ёзувларга нуқта қўймоқчи эдим. Қарангки, қўлимдаги рўқчан қўяман деб қарасам, унда “Ўзбек Миллий академик драма театри – 100” дея ёзиб қўйилган экан. Бейхитёр бундан уч йил аввал отахон театримиз ва айни чоғда Ўзбек янги театр санъатининг бир асрилик тўйини нишонлашга тайёрланиши, инчунун, такомиллаштиши мумкин эмас.

Мазкур режиссёрлик маҳорати билан саҳналаштирилган ва Ўзбек театр тарихидан муносиб ҳол оingan унутилмас мумтоз асар – театр санъати намунаси эди. Бу спектаклнинг режиссёри эса Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев эди.

Орадан икки йил ўтиб, Миллий академик театримиз саҳнасида Мақсул Шайхонданнинг “Мирзо Улугбек” тарихий трагедияси янгича талқин ва тахрирда саҳналаштирилди. Мазкур спектакль премьерасида иштирок этган ўша юбилей тадбирига масъул мутасалли акамиз бу сафар томоша тутагач, Миллий театр Бадиий кенгаши аъзоларига қарата: “Агар Ислоом Абдуғанисевич ҳаёт бўлганларди уларни сира иккиланмай мазкур спектаклга таклиф этган бўлардим”, деб айтдилар. “Мирзо Улугбек” спектаклини саҳналаштирган режиссёр эса Ўзбекистон санъат арбоби Олимжон Салимов эди.

Р.С. Хўш, айтилганлардан не хулоса қиламиз, аниқроғи, ким хулоса қиларди? Амал курсида мазаҳсўрак бўлиб, ўзига дахлсизлик тўғрисида ёзишга уринаётган директор ўринбосари – йиғитчани ёки муҳтарам вазири аъзам жанобларини?

Айни ҳолатда муроса бўлиши мумкин эмас. Мезон битта: ё театр ва режиссёр ёки унга ёрдамчи ҳисобланувчи хоҳим ва востиларим. 37 театр – айтишга, ёзишга осон. Ҳар бирида юзларча инсон. Йиғиб келса неча минглаб жамоа-жон. Шуларнинг барига, энг аввало, режиссёр, бор бўлса бош режиссёрлар масъул. Демак, минглаб одам-театр меҳнат аҳлининг тақдирини режиссёрга боғлиқ. Режиссёр фаҳму фаросат, фаҳшат билан уларнинг кўч-имкониятидан фойдалана оласа, ахли театр миллионларнинг қалбига эзгулик уруғини сепади, улугвор ишларга бошлайди, юртни обод, кўнглиларни шод этади. Асли жаҳон театр санъати ҳам режиссёр ва режиссёрлик санъати туфайли мавжуд, яшайпти ва ишоб билан тараққий топмоқчи.

Бундан қирқ йиллар нарида собиқ иттифоқдаги ўнлаб академик театрлар орасида Ҳамза номидаги ўзбек Академик (ҳозирги Миллий) драма театри катта-кичик расмий-норасмий санақларда биринчи ўликда зикр этилди. Россия ва Грузиядаги театр санъати даражасида саналарди. Бу – асосан, театр режиссураси ҳисобида эди. Чунки каттаю кичиклиги, маҳорати, имконияти меҳнатидан юзлаб кичик театрлар бўлгани ҳолда, ўзбек театри режиссура ҳисобида энг олди ўликда эди. Қарангки, бизда режиссуранинг турли ноҳилик субъектив сабаблар туфайли таназзулга кетиши театр санъатининг даражасини туғула, шу орада етишган неча авлод санъаткорларнинг ҳақиқий режиссура нима эканини билмай, ўзида ҳис қилмай ўтишига сабаб бўлмоқда. Ажабки, иш жойи театр бўла туриб, театр нимагини билмай ўтиш одам учун фожиа эмасми?! Демакки, ҳақиқий режиссёр талқини, таҳлили, талаби ва таснифи бўлмаган жойида ҳақиқий театр ҳам йўқ, демакки, санъат ҳам йўқ. Бу нари борса ҳаваскорлик, холос. Ҳаваскорлик билан эса бирор иморатни қуриб бўлмайди, инчунун театр иморатини. (Бунинг кулуги, аммо аламли рамзий кўринишларини марҳум устоз Эркин Воҳидов “Дониш қишлоқ латифалари”да Матмусаннинг танбир қурганино танбир қилгани, дутор чалганино қўшиқ айтгани каби қатор ҳангомааларда аққол кўрсатиб қўйганини бир ёдга олайлик.) Таасуфки, бугун ўнлаб ўзбек театрлари “бош”сиз, яъни бош режиссёрсиз, ҳатто тайин-тутуруқчи оддийгина режиссёрсиз, аниқроғи касбида саводи чиққан, мутахассислиги “хос”ликларини англаб етган етакчиларсиз мавжуд бўлиб турибди. Шу тахлит кетса, ажабмаски, ҳадемай режиссёр дегани анқонинг уруғига айлиниб, кунимиз Матмусаларга қолса. Илоҳо бундай бўлмасин, ақл борида етакчи ётайлик. Шунбарин, мазкур ҳодисадан хулоса чиқариб, анаги йил ташкил топганига ярим аср тўлайдиган Ўзбек давлат драма театрида соғлом ижодий муҳит, қизгин театрчилик фаолияти билан яшаш кайфиятини қарор топтирайлик. Токи, ўзбек театр санъати яна бир кучли, бақувват ижодий жамоа изланиши, иштилошлари билан ривожга тараққийга эришсин, анъаналарини давом эттириб, замона ишобига муносиб ўзгариш ва янгиликлари билан маънавийтимиз, маданиятимиз, санъатимиз такомилга хизмат қилсин.

Шухрат РИЗАЕВ

МУЛОҲАЗА

Муборак Рамазон ойида эзгу амаллар бажарилади, хайр-саховатли кишилар меҳр-мурувват кўрсатиб, етим-есир, бева-бечоралар ҳолидан хабар оладилар, ўз хонадонларида ифторлик қилиб, рўзадорларни меҳмон қиладилар. Албатта, бу ишлар мактовга сазовордир. Сабаби ҳадисларнинг бирида: “Ким бир рўзадорга ифторлик қилиб берса, унга ўша рўзадор эга бўлган савобдан бирон нарса камайтирилмаган ҳолда берилади”, дейилган. Рамазон иссиқ кунларга тўғри келган маҳалда бир рўзадорнинг савобини қўлга киритиш катта нарса. Лекин масаланинг бошқа жиҳати ҳам борки, уни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. У ҳам бўлса, ифторлик маросимларидаги исрофгарчилик қилиш, кимўзарга ўйнаш, дабдабага берилиш иллатидир.



бир коса овқат билан ҳам бўлади. Аммо, афсуски, орамизда ифторлик қилиш билан ўзини халққа кўз-кўз қилувчилар, ҳўжақўрсинга, риёга интилувчилар кўпайиб бормоқда. Рамазон тақво ойи, Рамазон меҳр-мурувват ва саховат меҳр-мурувват ва саховат ойдир. Албатта, бу саховат ўз ўрнида қилинган маъқул. Меҳрга, эътиборга, моддий таъминотга муҳтожлар бир четда қолиб, қорни тўқлар, бой-бадавлат кишиларни ифторликка қақришдан не фойда? Устига-устак бундай маросимларда исрофгарлик жуда авжига чиқади. Бу ишга ҳам меҳмонга ҳақдор кишиларнинг таклиф қилинмаслиги сабаб бўлади. Ифторликка келган бадавлат кишилар меҳмоннинг “ди-

ГУНОҲГА БОТМАЙЛИК!

ли”га, меҳмон кутиш санъатига, бойлиги ва дастурхонга нималар қўйишга қараб унга “баҳо” бериб кетадилар. Бу кейинчалик омма ичиди гап-сўз бўлади. Ифторлик қилаётган одам ҳам мана шу жиҳатни ёдга тутиб, нима топса, дастурхонга қўяди. Одамларнинг рози қилиши, уларнинг кўнглини олиш пайида бўлади. Агар етим-есир ва камбағаллар меҳмонга қақирилса, уларга олдий, камтарона дастурхоннинг ўзи етарли. Улар қорни тўйгани учун бир хурсанд бўлса, бой-бадавлат кишилар уларга меҳр кўрсатгани учун икки баробар хурсанд бўлади. Аллоҳ ҳам мана шу ифторликдан рози бўлади.

Амаллар қабул қилинишида энг муҳим жиҳат ният ва амалнинг шариятга тўғри келишидир. Ифторлик қилаётган одам холис Аллоҳ учун қилмоқдаман, деб ният қилиши керак. Шунда ҳамма нарса ўз ўрнида бўлади, исроф ҳам, кибр ҳам, мақтанчоқлигу ҳар хил кимўзарга ўйнаш ҳам бўлмайди. Агар ифторлик қилишдан мақсад ўз бойлигини, иморатининг чиройли чиққанию қимматбахо мебель, гилам ва пардаларини кўрсатиб қўйиш бўлса, бу ифторликдан ҳеч қандай фойда йўқ. Тўғри, биргина “фойдаси” бор: одамлар “фалончи шунақа ифторлик қилди. Энди дастурхонда анқонинг уруғидан бошқа ҳамма нарса бор”, дейишади. Биласизми, бу қачонгача давом этади? Кейинги ифторга боргунча. Эртаси кўни бошқа жойда меҳмон

бўлгач, кеча борилган хонадон эсдан чиқади. Бандана шу бир кун эсланиши учун қилганмиди ифторликни?! Демак, савобли ишни, Аллоҳ розилиги учун қилинадиган амални камтарона, исроф ва дабдалан сақланган ҳолда ўтказиш, ниятни холис қилиш, одамларнинг маломатино мактовларини

ўйламай, холис Аллоҳ учун қилиш талаб этилади. Агар сиз Аллоҳ йўлида шу ишни қиладиган бўлсангиз, қилган ифторлигингиз қабул бўлгани қалбингиз хотиржамлиги, хонадонингизга фойда кирганидан маълум бўлади. Бунда фақат ташқи кўринишга, зоҳирий жиҳатга эмас, ички моҳиятга эътибор бериш керак.

Неъматларни исроф қилиб ифторлик қилиш билан гуноҳга ботгандан кўра, ҳеч ким билмасам ҳам бир камбағалнинг рўзгорини бутлаб беришингиз минг марта афзал. Ифторлик фақат одамларни қақриш билан бўлмайди. Шундай ифторлик қилинган, уни Аллоҳ билсин. Одамлар сиз ифторлигининг энг зўрини қилганингизни билмай кўя қолсин. Исрофгарчилик билан одамларни рози қиламан, деб дастурхон ёзсангиз, аммо мисолкача савобга ҳам эришмасангиз, бу ачинарли ҳолат.

Одилхон қори ЮНУСХОН ўғли, Шайхонтоҳур тумани бош имом-хатиби

Халқининг фидойи фарзанди

АТОҚЛИ ДАВЛАТ АРБОБИ, ЁЗУВЧИ ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев сайловолди учрашувларида "Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлидир" ҳикматиға амал қилиб, собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонда юртнинг энг сара фарзандлари, давлат арбобларига нисбатан гарчи улар ўзлари яшаган тузумга хизмат қилган бўлса-да, адолатсизлик қилинганини, уларнинг номини оқлаш шарафли бурч эканини алоҳида таъкидлаган эди. Ана шундай тарихий шахслардан бири Шароф Рашидов бўлиб, у ўз халқига ва собиқ тузумга садоқат билан хизмат қилди. Лекин унинг вафотидан сўнг қабри кўчирилгани, хотираси беҳурмат қилингани, оила аъзолари таққирлангани, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов саъй-ҳаракатлари билан номи оқланганини алоҳида ҳурмат билан айтиб ўтган эди.



Олимжон, ва бошқа кўпгина кишлоқ одамлари образларида маҳорат билан тасвирлаб берган.

1970-йилларнинг бошларида мен туман газетасида ишлар эдим. Газетамизда Тўртқўл, Беруний туманлари ҳудудидаги Элликқалъа, Ёнбошқалъа, Кўкча массивларини ўзлаштириш, янги ерлар очиб, боғ-роғлар, экинзорлар яратиш гоёлари илгари сурилиб, булар тўғрисида мақолалар чоп этила бошланди.

1972 йилнинг ёзида Ш.Рашидов Қорақалпоғистонга келиб, юртимизнинг бу қадим ерларини бориб кўрди. Элликқалъанинг эски кўрғонлари, тупроқ билан тенг бўлиб кетган қадимий қалъалари макон тутган бу бўз тупроқли ерлар Шароф Рашидовнинг диққатини тортгани, бу ерларда янги ҳаёт бошланишига оқ йўл тилаганини халқимиз яхши эслайди. Шу ташрифдан кўп ўтмай Тўртқўл, Беруний туманларидан Элликқалъанинг қадим ерларига янги йўллар тортила бошлади.

Шароф Рашидов 1974 йилда Қорақалпоғистонга яна келди ва Элликқалъа ерларига экилган илк ниҳоллар буй чўзаётганини, уруғлар ҳосил бераётганини ўз кўзи билан кўриб, бу элнинг келажатига ишонч билдириди.

1976 йилда Элликқалъа тумани ташкил этилди.

Кўп ўтмай Тўртқўлда Ёнбошқалъа, Чимбой туманида қадим Бозатау кенгликларига ҳам янги ҳаёт кириб кела бошлади.

Мен бу мисолларни келтирар эканман, Қорақалпоғистонимизнинг леҳончилик маданияти, одамларнинг ўз ерига бўлган меҳру илхоси, халқнинг эртанги кунга учун фидокорона меҳнатларини Шароф Рашидовнинг мен юқорида тилга олган асарларида воқеаларда тасвирланган қийинчиликларини энгиб яшаётган одамлар ҳаётига ўхшатаман.

Нима бўлганда ҳам Шароф Рашидовнинг ўзи бу асарларни 1943 — 1950 йиллар давомида республика матбуотида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб борган даврларда ёзган "Меҳнатсевар қизлар", "Қуриқда" сингари очерклари публицистик асарларнинг давоми сифатида яратилган. Шароф Рашидовнинг сўзи билан айтганда "Бу асар урушдан кейинги йилларда ёзилган шеърлар ва очеркларнинг узвий давоми сифатида майдонга келди".

Ҳақиқатда ҳам Шароф Рашидов бу романларда халқимиз ва юртимиз ўша даврларда қандай машаққатлар ва муаммолар билан яшаган бўлса, шунга ўз муносабатини билдирган, юртдошларини ҳаяжонга солган, ватандошларини урушдан сўнгги йилларда жасоратта ундоган фанлатларини яққол очиб берган.

Шароф Рашидовнинг 100 йиллигини нишонлаш ва адибнинг хотирасини мангулаштириш юзасидан кенг фаолият олиб борилаётган шу кунларда мен 1995 йилнинг август ойида Бутун жаҳон хотин-қизларнинг Пекинда ўтказилган IV тарихий конференцияси олдидан Тошкентдаги учрашувларини эсладим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатонасида Пекин сафари олдидан унинг қатнашувчилари ва бир гуруҳ хотин-қизларни Халид Малик жаноблари эҳтиром билан қабул қилди ва суҳбатлашди. Мен шу ерда ҳамроҳларимиз билан танишиш бахтига мушарраф бўлдим. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар химияси ва физика институтининг директори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси муҳбир аъзоси, кимё фанлари доктори, профессор, олимпиада хотин-қизлар уюшмаси раҳбари Рашидова Сайёра Шарофова бор эди.

Биз суҳбатдан кейин Сайёра Шарофова билан Шароф Рашидовнинг ҳибоси ёнидаги бинода ўтадиган йиғинга келдик. Йиғиндан кейин ҳибосини айландик. Сайёра опанинг ўз отаси ҳақидаги хотираларини ўзиндан эшитиб, унинг қалбидеги ота соғинчи ниҳолларини ҳис қилдим. Шу кунни биз Сайёра опа билан поезда аввал Москвага,

кейин Пекинга йўл олдик. Бир ҳафталик йўл давомида у киши билан кўп суҳбатлашдик. Айниқса, отасининг ўз юртига меҳр-муҳаббатини чин дилдан ҳис қила билган Сайёра Шарофова кейинги йиллардаги оиласи чеккан қайғу ва наҳоматларни кўзда ёш билан гапириб берган эди.

Сайёра опа 1992 йил ноябрь ойида Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги нишонланганлиги, унда Ўзбекистон Биринчи Президенти И.Каримовнинг маърузаси тўғрисида кўнгли тўлиб гапириб берган эди.

"Шу нарсани қувонч билан эътироф этмоқчиманки, Шароф Рашидов номини тиклаш билан биргаликда, энг аввало, ўзбек халқининг пок номи ва баланд обрўсини тиклаш мақсадимиз эди. Бутун биз шунга эришдик. Бутун Шароф Рашидов шайнига, унинг оиласи шайнига айтилган барча яхши гапларни бутун ўзбек халқи шайнига айтилди, деб ҳисоблайман".

— Бу самимий сўзлар юртимиздаги Мустақиллик, халқимизнинг ўз фарзандларига садоқати, меҳрини Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов кенг баён қилиб берганида шундай юртнинг, Шароф Рашидовнинг фарзанди эканлигимдан фахрландим ва халқимизга, Президентимизга эл фарзандларининг меҳнатини, номини улуғлаганликларидан кўнглим тўлди, улардан чексиз миннатдорман, — дедан эди, Сайёра Шарофова.

Сайёра Шарофова билан Шароф Рашидов ижоди, асарларида тасвирланган халқ ҳаёти, юрт фарзандларининг киндик қони томган тупроққа садоқати, улар дардида дарддошлик, фарзандлик бурчи, муаллифнинг ҳар қандай мустақил, сиёсатдан устун туриши, халқига фидойилик, Ватанга муҳаббат сингари фазилатлари тўғрисида суҳбатлашдик.

Шу ўринда мен Ш.Рашидовнинг 1955 — 1979 йиллар оралиғида яратган "Қашмир кўшиги" қиссасига диққатини қаратмоқчиман. Бу асарда ёзувчи Қашмир халқининг қадимий севги достонини янги бир талқинда яратган бўлса ҳам, мен бу қиссани Эрк ва Озодликка интилиш, бу йўлда

ҳар қандай офат ва машаққатларни енгиш, овоз ва обод ҳаётни орзу қилиш ва бу курашда халқ жасоратининг тимсолларини кўрганман.

Зеро ёзувчининг ўзи ҳам китоб муқаддимасида шундай фикрларни ёзган: яъни "Қашмир кўшиги" Ёшлар учун турмуш мактабида чиниқмаган ҳали гўр ёшлар учун атиги баҳор ва севги қўшиғи эди, холос.

Фозил кишилар учун у табиатта тақалган ақидалар инъикоси, айна чоғда шу кунги воқелик-мавсумлал алмашиниши, тугилиш ва ўшиш жараёни, эзгу ва ёвуз кучлар кураши кабиларнинг нафис музикий инфодаси эди.

Учинчи тоифа кишилар эса ўйлаб, Бўрон билан Хоруд мустамлакачилик асорати, босқинчи унсурлар рамзи сифатида жуда кўп келишини таъкидлашди.

Биз бу талқинларнинг бирор-тасига қўшилиш ёки уларни умумлаштириш фикридан йироқмиз. Аммо дарё бўйларида айтилаётган хушоҳанг қўшиқларни тинглаганимизда Қашмир ва Жамму халқларининг бий ўтмиш тарихини, уларнинг ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги қаҳрамонона курашларини эсладик, азамат ўгонлари ва моҳирўй қизлари сиймосида эса Бамбур ва Наргиз тимсоллини кўрдик.

Ёзувчининг бу фикрлари ўша даврда Мустақиллик, Эрк, Озодлик, мустақилликдан қутилиш йўлидаги орзу умидларининг Наврўзгул, Лола, Атиргул, Оқ атиргул, Бўронлар тимсоллида акс этганини таъкид қилиб ўтишимиз керак.

Қисса охирида севги ва муҳаббат тантанаси тараннум қилинган бўлса ҳам, унинг моҳиятида эрк ва озодлик учун курашнинг галабаси яққол намоён бўлганини кўрамиз. Бу эса Ш.Рашидовнинг ўз Ватани — Ўзбекистоннинг мустақил, эркин, овоз, обод кўришини орзу қилгани, ўз халқи, Ватани раҳнамоси сифатида донолик билан адабиёт илосмандларига табиат, гуллар, севги-муҳаббат тимсолида Ватан келажатини эркин ва овоз кўра олганини ҳис қилишимиз мумкин.

Гулистон МАТЁҚУБОВА,
Қорақалпоғистон халқ шоири, сенатор

Орадан кўп ўтмай давлатимиз раҳбари атоқли давлат арбоби ва истеъодли ёзувчиға ҳурмат қўриб, "Ўзбек халқининг фидойи фарзанди Шароф Рашидов таваллудини бутун мамлакат бўйлаб кенг миқёсда нишонлаш, ўзи тугилиб ўсган Жиззах туманига унинг номини бериш ва ёдгорлик мажмуаси барпо этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди," дедан фикрни илгари суришди.

Жорий йилнинг 27 март кунини эълон қилинган Президент қарори бу фикрларни тўла амалга ошириш имконини берди.

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги бу қарорда республикамизни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқариб, юртимиз тараққиётини йўлида фидокорона хизмат қилган, ижтимоий ва иқтисодий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимизни ривожига катта ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, танқидли ёзувчи Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасини улуғлаш ҳамда таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш вазифалари белгилаб берилди.

Қарорни ўқир эканман, болалигимиз, ёшлигимизда қўлимизга китоб олиб ўқий бошлаган, ўқиганларимизнинг маъ-

но-моҳиятига эътибор бериб халқ ким, Ватанга муҳаббат нимадан бошланади, туғилган ота маконимизда бизнинг ўрнимиз қаерда деган саволларга жавоб излаганимиз эсимга тушади. Айниқса, қўлдан қўймай ўқиб чиққанымиз Шароф Рашидовнинг 1951 йилда ёзилган "Ғолиблар", 1958 йилда яратилган "Бўрондан кучли", "Қудратли тўлқин" асарларида Ўзбекистонимизнинг бетакрор табиати, кўнгли очиқ, меҳнатсевар, танги, сахий, фидойи одамлари, серҳосил дала-қирлар тасвирлангани, асар қаҳрамонларининг халқимиз ҳаётига қўшилиб кетганини ҳис қилар эдик...

"Кўёш чиқди!
Тоғларда қуёш жилвалари...
Ҳали тоғ этаклари, водийларда гира-шира қоронғилик кезиб юрган бўлса ҳам, майсалар ичиндаги чечаклар сахар салқинидан совқотиб, мудраётган бўлсалар ҳам кўм-кўк осмонда учиб юрган бургутлар уфқдан бош кўтарётган қуёшнинг қувонч тўла чехрасини, ҳаётбахш нурлари билан оламни чулба олаётганини кўриб турибдилар."

Ушбу табиат кўринишлари "Ғолиблар" романининг бошланиши. Адиб бу асарда юртимиз одамларининг шарафли меҳнати, кураши, янги ерлар бунёдкорларининг фидойиликлари, туғилган ерига муҳаббати, халқ ҳаётининг қудратли нафасларини Ойқиз,

ТААССУРОТ

Шеърят сохталикни кўтармайди. Шеърларида самимият бўлиши учун шоирнинг фитратида, туйғуларида покизалик бўлмоғи лозим. Демак, шоир сўзда самимий бўлиши учун тили ва дили бир бўлиши мақсадга мувофиқдир. Сирожиддин Рауф адабиётимиздаги мана шундай самимий ижодкорлардан. Унинг туйғулари бегубор, муҳаббати, айна пайтда, нафрати ҳам самимий. Шунинг учун ҳам шоир уларни ошкор қилишдан қимтинмайди.

Сирожиддин Рауф шеърларида бундай самимийлик унинг Ватанга, миллатга муносабатида ҳам кўзга ташланади: эл-юртга муҳаббатини очик-ошкор изҳор этади, тарихдаги хатоларни бўяб-бежамайди. Шоирнинг "Ватан сурати" шеъри "Ватан суратини чизмоқ оғирдир, / Аммо шу суратни чизмоқ истаيمان" мисралари билан бошланади. Ижодининг илк даврига мансуб ушбу сонетнинг сўнгги терцети шундай:

Чизаман, фарзандман,
чизмай қўймайман,
Чизмай десам сўнгга қўйлар армоним,
Балки бўёқ булар юраем қоним!..

Дарҳақиқат, шоир Ватан суратини чизганида тўхтамади. Унинг "Ватан", "Шахрисабз қўшиғи", "Кўк гўмбаз", "Бағринда беш кунлик меҳмон бўлдимми?...", "Умр поёнида Муқаннинг хайлидан кечганлари", "Жуда тез ишондинг..." шеърлари юрт ва миллатнинг ўтмишу бутунги қувонч ва қайғулари ҳақида. Шоир бир шеърда ома тупроққа шундай таъриф беради:

Мен фано илҳиде, баҳодайирсан,
Кўзимга суртудек озодайирсан,
Муштарак онандай дуодайирсан,
Эй, ота маконим, эй, она тупроқ!

Сирожиддин Рауф ома юртнинг мадҳини битир экан, унинг иллатларини ҳам эсдан чиқармайди. Иллатлардан бири жаҳолат ва унинг оқибатидан пайдо бўлган парокандалик: Бўлмади эл бир тан, ҳар иллат

"БИР БЕДОР ЮРАКНИНГ ЭГАСИМАН МЕН..."



Завқи бўлмаган сўз эса "деворга ёпишмайди". Сирожиддин Рауф шеърлари ҳам кишига завқ берувчи кашфиётларга бой.

Ухшатиш шеърятнинг энг фаол тасвирий воситаларидан бири эканлиги сир эмас. Лекин биз адабиётшунослигимизда нарсанинг нарсага ўхшатилиши ҳақида кўпроқ гапирармиз. Шулардан яна бири ҳолатни ҳолатга ўхшатишдир. Сирожиддин Рауф мана шундай мураккаб ташбеҳларнинг устаси. У шеърларидан бирини шундай бошлайди:

Жуда тез ишондинг
Утмиш қора китоб эканлиғига,
Ишонандек қалтабин одам
Шақил йўқотмасдан оловда музинг
Пшимоғига бирман қозариб.

Поэтик параллелизм усулидаги ушбу қиёс орқали шоир халқнинг ўз ўтмишини қора китоб эканлиғига ишонини ҳодисасини музининг оловда шақилни йўқотмасдан қизариб пшимади, деган ишончга ўхшатади. Шоир бу билан иккинчи ҳодисага ишонини нақадар аҳмоқлик бўлса, биринчисини чин деб билиш ҳам шу даражада қалтабинлик эканини айтмоқда. Ухшатиш асосидаги бу қиёс шўро воқелигидаги ушбу ҳолатни чуқурроқ ҳис қилишимизга ёрдам беради. Шеърнинг сўнгги бандида ташбеҳлар янада қуюқлашади:

Энди
Қармоқнинг бандиси — очкўз балиқдек
Жовдираб-жовдираб кўзларинг ноҳор
Ичигега ютганча зилдек аламни
Тинглайсан,
Бобоси бобондан мушт еган каснинг
Утмишинг ҳақида қиротини.

Мана шу тарзда шоир ҳали собиқ тузум даврида яшаётган (шеър 1990 йил ёзилган) халқнинг ўз тарихига лоқайд муносабати қандай фожиавий ҳолатни юзага келтириб қўйганини кўрсатиб беради.

Унинг "Сабок" шеърда ташбеҳнинг яна бир бетакрор шакли яратилган. Шеърда лирик қаҳрамон иккинчи шахс бирликда келади. Сабок бераётган шоир унга қарата "Сен" деб мурожаат қилади: Ва ҳаёт нелигин англамоқ бўлсанг, / Сен, албат, йўлингни денгиз томон бур, — дейди. Денгиз — буюклик ва қудрат тимсоли. Бу қудрат қаршигага бориб сукут сақлаган одам ўзининг ожизлигини англаб етади. Шунинг учун ҳам шоир ўз қаҳрамонини денгиз томон бошлайди ва муддаога кўчади:

Тушуниб этасан:
Узи қизариб
Жўякларга ранг бера билмас
Қулунайидир ҳали ўйларинг.

Шоир бу билан лирик қаҳрамон ўйларининг ҳавойи эканлиғига эътиборни қаратади ва "ўзи қизариб жўякларга ранг бера билмас қулунай" сўзлари билан биргина "хом" деган сўзни айтмоқчи бўлади.

Сирожиддин Рауфнинг адабий кашфиётлари талайгина. Биз уларнинг баъзиларини тасвирий воситалар шаклида тасниф қилиб кўрсатишни лозим топдик. **Ташбеҳ:** Умр — қороз кема бамисли сойда; **Зардолу гулдай тўзғиди йиллар;** **Қирга қайтар шамол — ҳориган тўриқ;** **Орзулар — оромнинг ёвуз рақиб;** **Битта сўз айтаман — тап-тақир чўлда /**

БИР ХОВУЧ ДУР МЕҲНАТСЕВАРЛИК ҲАҚИДА

Бировнинг бергани — кўргулик,
Меҳнатнинг бергани — тўйгулик.
Ўзбек халқ мақоли

Асааларлар, гарчи ўз жинсидан бўлсалар-да, ишламай, уядаги асаани беркорга еб ётадиганларнинг ўлдириб ташлайдилар.

Абу Райҳон Беруний

Эй фарзанд, огоҳ бўлки,
ҳунарсиз киши ҳақида
фойдасиз бўлув ва ҳеч кишига наф еткурмас. Билурсанки, хори муғило (тикали бутанинг тани бордур, аммо сояси йўқдур. Ҳунарсиз киши ҳам хори муғило янглив на ўзига ва на ўзига фойда берур.

"Қобуснома"дан

Дангасалик ҳар вақт инсонни хор, тамаъ балосига гирифтор қилур. Бир ишга машғул бўлган кишилар вақтнинг ўтганини билмас, яққол кишилар учун бир соат вақт ўткармак қиёматдан қийиндур.

Олим ТҮЛИБОВЕВ,
филология фанлари номзоди

Абдулла Авлоний

Сузук ота уста хунарманглар пири


► МОЗИДАН САДО

Исломи дини ривож ва ислом тарихшунослигида муносиб ўрин тутган алломаларнинг аксарияти биз билан сиз яшаб турган она замин бағрида яшаб ўтган. Муқаддас Исломи дини арконларини ўрганишга бўлган талаб, ушбу динга эътиқод қилина бошлаганидан буён давом этиб келади. Чунончи, Яссавий, Ғажувоний, Наҳмиддин Кубро, ал Бухорий, Имом ат-Термизий, Ҳаким ат-Термизий, Баҳоддин Наҳшбанд каби забардаст тасаввуф илми намояндаларининг бепоён илмий мероси ислом оламида катта мавқега эга. Бу улуг зотларни ўрганиш ва улар мангу кўним топган қадамжоларни кўришни орзу қиладиганлар дунёнинг ҳар ерида топилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб буюк аждодларимиз меросини ва қадамжоларини қайта тиклашга катта эътибор қаратилди. Мамлакатимизда илм-маърифат йўлини танлаб, юксакликка эришган аждодларимиз шунчалик кўпки, уларни санаб охирига етиш қийин. Жумладан, пойтахтимиз Тошкент ҳам мусулмон оламида муҳим аҳамият касб этади. Тошкент заминда ўндан зиёд азиз авлиёлар, ислом дини ва миллий қадриятларимиз раҳнамолари яшаб ўтган. Ана шундай улуг аждодларимиздан бири — Сузук ота Мустафоқулидир.

Сузук ота Мустафоқули 1140 йилда Сайрамда туғилган. Ҳўжа Аҳмад Яссавийнинг қизлари Ғавҳари Хуштоғ (Хуштар)нинг кенжа фарзанди бўлган. Балоғат

ёшига етганида отасининг йўланмаси билан Тошкентнинг Бешёғоч даҳасидаги Чуккур кўприк, Мирлар ва Чақар маҳалласи оралиғидаги жойларга келиб қолганлар. Болалик чоғида бобоси у кишини эркалаб “Менинг сузитим (су-



юкким), хуш келдингиз!” дегани боис атрофдагилар ҳам уни шу исм билан чақира бошлаган. Тошкентга кўчиб келганидан кейин у киши Яссавий таълимоти янада мустақам ўрганишга киришди. Шу билан бирга Тошкент сўфийларига Яссавий тарихатининг мазмун моъияти борасида сабоқ беради. Муҳтарам зот диний таълим бериш билан бирга хунарманчилик сирларини ҳам яхши билган. У билганларини шогирдларига ҳам ўргатган. Умрининг охирига қадар Тошкентда юзлаб шогирдларга илм бериб, уларни хунарга, ҳалол меҳнатга бошлаган. Кароматлар соҳиби, аҳолининг доно маслаҳаттўйи, хунарманглар устози, толибларнинг пир-муршиди бўлган Сузук ота 1217 йили вафот эт-

ган. Тошкентнинг уста хунармангларига жуда катта эҳтиром қўрсатгани учун табаррук зот яшаган ҳудуд вафотидан сўнг Сузук ота номи билан атала бошлаган.

У киши дафн этилган Мақбара Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида жойлашган. Таъкидлаш жоизки, аксарият юртдошларимизда Сузук ота ҳақида етарли маълумот йўқ. Буюк ватандошимиз меросини ўрганиш ҳам ҳақингдар. Аммо у кишининг ислом дини ва тасаввуф оламида тутган ўрни жуда юқори. Аҳмад Яссавийнинг невараси бўлгани учун эмас, балки ислом дини ривожига муносиб ҳисса қўшгани ва миллий қадриятларимизни улуглагани учун халқ орасида шуҳрат қозонган.

Ушбу масжид ва мақбара маънавиятимизни янада юксалтиришга, юртимизда эзулик нуруни зиёда этишга хизмат қилиши керак. Бу ерда хунарманглар мақбара ва кутубонасини ташкил этиш лозим, — деди, мамлакатимиз раҳбари яқинда Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган иқсолий-ижтимоий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш мақсадида Шайхонтоҳур туманида бўлиб мазкур ҳудудда жойлашган “Сузук ота” мақбараси ва жомеъ масжидига ташриф буюрганларида.

Президент ушбу мажмуани кўздан кечиришдан, пойтахт мутасаддиларига мақбара ва масжидни реконструкция қи-

лиш, атрофини ободонлаштириш бўйича тегишли вазифаларни берди.

Мазкур тарихий маскан мустақиллик йилларида қайта тикланиб, бир мунча ободонлаштирилган. Бироқ, ушбу муқаддас қадамжони янада обод этиш, бу жойни Ҳастимом мажмуасидан қолишмайдиган даражада зиёратгоҳга айлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлар экан, Юртбошимиз мажмуа атрофида хунарманглар мақбарасини ташкил этиш гоёсини ўртага ташлади.

“Сузук ота” маҳалла фуқаролар йиғинида айни пайтда беш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла аҳолисининг аксарияти хунарманглик, дурадкорлик, ўймакорлик билан шуғулланади. Улар бир неча авлод сулола вакиллари.

— Тарихий манбалардан яхши маълумки, Соҳибқирон Амир Темур тасаввуф илмининг йирик намояндаси Аҳмад Яссавий мангу кўним топган макон Туркистонда мақбара қурдирган, — дейди “Сузук ота” жомеъ масжиди имом хатиби Аюбхон Сўпиев. — Қўшни юрт ҳудудидаги мазкур мажмуа ҳозирги кунда ҳам сайсалида Шайхонтоҳур туманида бўлиб мазкур ҳудудда жойлашган “Сузук ота” мақбараси ва жомеъ масжидига ташриф буюрганларида.

Президент ушбу мажмуани кўздан кечиришдан, пойтахт мутасаддиларига мақбара ва масжидни реконструкция қи-

лиш, атрофини ободонлаштириш бўйича тегишли вазифаларни берди.

ин, то мустақилликкача бўлган давр мубайнида маҳаллий саноат соҳасидаги турли корхоналарнинг цехлари иш юритди. Натижада, тарихий обиданинг ноёб ва нафис қиёфаси йўқолиб харобага айланди. Мустақилликдан сўнг муқаддас қадамжони биносидан корхоналар кўчирилиб, масжидни тиклаш ишлари бошлаб юборилди. 1998 йил бошида мажмуанинг хонақоҳ қисми таъмирланиб, масжид расман қайта фаолият юрита бошланди. Бундан ташқари, 2010 йилда ҳам маҳалла фуқаролари ва ҳомийлар кўмағида масжид ҳудудида ободонлаштириш ва реконструкция вазифалари бажарилган. Яна шуни қўшимча қилиш керакки, XX асрдан бошлаб Сузук ота маҳалласи номи бир неча марта “Бауман”, “Қаҳрамон” ва “Обод” деб ўзгартирилган. 1992 йилдан бошлаб эса маҳаллага тарихий — Сузук ота номи қайтарилди. Бобомиз Амир Темур томонидан бунёд этилган масжид ва мақбаранинг асосий қисмлари бутунги кунгача сақланган.

Албатта, ўзининг бой тарихи ва маънавий меросини авайлаб-асраган, чуқур ўрганган миллатнинг пойдевори мустақам бўлади. Ватан тараққиёти ва ривож йўлида олиб борилаётган ислохотларда юрттинчилиги ва осийшталлигини таъминлашда аждодларимиз руҳи мададкор бўлади.

Жобир ХўЖАКУЛОВ


КАМОЛДАН БЕҲЗОД

► БАҲҲАЁТ АНЪАНАЛАР

Мирак наққош эскигина жуздонини очиб, шогирдининг айрим махсус қоғозларга солинган расмларини бир-бир тақдим эта бошлади. Навоий биринчи варақни кўлига олиб, суратдан кўзларини узоқ вақт узмади. Мирак наққошнинг таърифича кўли олтин боланинг чизгани живир-живир гуллар, барглр, чизиклар нозиклиги, жоллиги бемисл нафосат билан, унинг кўзларини, руҳини севрлаган эди. Навоий ором ва ҳаяжон билан чуқур нафас олди. Иккинчи расмни кўрди. Айни шу руҳ лекин яна бойроқ, яна нафисроқ. Мана ов тасвири. Охулар гўё қоғоздан сакраб ўйноқлаб кетаётгандай туюлади. Унда ҳар бир нуқта кўз каби жонли. Навоий ўнга яқин расмни бениҳоя завқ билан томоша қилди.

билан бойитиб тасвирий олам оғушига олиб кирган, замонасини теран талқин этган мусаввир ўз даврдошларининг маънавий олами, ички дунёси, энг муҳими, қайтарилмас сиймосини яратди. Беҳзод худди мана шу даврда Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”-га ишланган миниатюралар, Ҳусайн Бойқаронинг мажлисари тасвирланган муракка-альбом, Темур тарихи муракка-альбом, Низомий Ганжавий “Ҳамса”сига ишланган ва бошқа тарихий воқелик билан боғлиқ юзлаб гўзал миниатюраларини яратди. Шу суратларга боқиб ўз даврининг солнома-сини яратган шахс кўз олдимизда гавдаланади. Беҳзод ижодида замонасининг буюк шоирлари кўлёмаларига чизган миниатюралар асосий ўрин тутди.

Урта Шарқда тасвирий санъат соҳасида асосий тараққиёт йўналишини белгилаб берган Беҳзод ўзидан олдинги рассомларнинг анъаналарини давом эттириб, айни вақтда баъдий услуби шартлиқни сақлаган ҳолда уни янги ижодий услублар билан бойитди. Унинг қаламига мансуб “Отаси Мажнун хузурда”, “Баҳром хазина устидаги аждарини ўлдирмоқда”, “Самарқандда масжид қурилиши” лавҳалари тасвирларидаги бетакрорлик, айниқса, воқеликнинг ҳаётий ва нозик тасвирини кўрган киши ҳайратда қолади. Унинг яратган портретлари, шакл-тасвирдан фарқланиб инсон маънавий қиёфаси, руҳи, ҳис-туйғулари, ҳуқ-атвори ва ботиний олами ақс эттиришга аҳамият берган. Фарбада уяғонини давомини улуг рассомлари Леонардо да Винчи, Микеланжело, Рафаэл Гисан ўз асарлари билан беш асрдан буён бутун жаҳон ақлини ҳайратга солиб, тўлқинлантириб келаятган бўлсалар, Шарқда худди шу даврда яшаб ижод қилган Камолддин Беҳзод каби сиймоларнинг истезод кучи, асарлари кўлами ҳам шу даражада буюқдир. Чунки бундай зотлар ўз даври, яшаган муҳитига эга эмас, барча даврларга, халқларга хос умуминсоний ҳислат ва хусусиятларни ифода этади-



Султон Ҳусайн Мирзо саройида ижодхонаси ва у ердаги наққошнинг ишлаш жараёнини баъдий тарзда кўйидаги тасвирлайди: “Шарқ кўшин Беҳзод учун қурилган шинам ҳужрани тарк этади. Бу ерда наққош политеер, яъни пастақина қия курси устида энгашиб ишларди. Курсининг тортма хоналарида шох асарлар яратиш учун зарур бўлган ҳамма нарса муҳайё... Шу муҳитда Беҳзод ўтириб нозик мўйқалами билан суврат чизарди. Нозик мўйқаламини ундан илгари ҳам, кейин ҳам ҳеч бир мусаввир Беҳзодчалик ишлатишга муваффақ бўлмаган”. Дарҳақиқат, шундай воқеаларни умумлаштириб катта эҳтирос

лар. Унинг яратган асарлари, швед санъатшунос олими Мартин таъкидлаганидек, XV аср Италия ва Нидерландия рассомлари дунё ақлини қанчалик ҳайратлантирган бўлса, Беҳзод асарлари ҳам шунчалик тўлқинлантирган.

XIV аср иккинчи ярмида Самарқанднинг сиёсий ва маданий ҳаёти Беҳзод томонидан Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарига ишланган миниатюраларида ўзининг баъдий ифодасини топади. Унинг ижодий меросини ўрганувчи мутахассислар фикрича, ҳозиргача маълум бўлган асарлари тахминан 30 та сурат ва бир неча туркумдан иборат. Мусаввир қаламига мансуб гўзал миниатюралар Фарб ва Шарқ мутахассисларининг фикрича, безакларнинг табиий ва қўямлиги, нозик ва нафислиги кишини ўзига жалб этади.

Беҳзод тасвирий санъат оламида саҳий ва меҳрибон устоз сифатида ҳам жуда кўп атоқли мусаввир ва наққошларни тарбиялаган. 1903 йилда Германияда санъат кўргазмаси очилди. Унда Беҳзод ва шогирдларининг асарлари намойиш этилди. Дунёга машҳур импрессионист француз рассомлари Анри Матисс ва Сезаннлар кўргазмада Шарқ рассомлари асарларидаги бир-бирига зид, кескин ранглар билан ишлаш санъатини кўриб ҳайратга тушдилар. Бугунги кунда ҳам Шарқ ва Европа мамлакатларида санъат ва рассомчилик тарихи, хусусан, миниатюра чизиш санъатини эгаллашда Беҳзод миниатюра мактаби алоҳида ўрганилади ва талқин этилади. Беҳзод ўша даврда чизган суратлари остига “Шикаста қаламли факир Беҳзод”, “Қалами шикаста, номурад факир Беҳзод умри етмишдан ошганда ушбу ишга қўл урди” дея имзо чекади. Кўриниб турибдики, мўйқалам соҳиби бир зум ҳам ўз Ватанини унутмайди.

Шарқ халқларининг муштарак ифтихори, буюқ фарзанди бўлмиш Камолддин Беҳзод ўзидан кейинги авлодга бой, ранг-баранг ва ажойиб тасвирий санъат асарларини мерос қилиб қолдириди. Таъкидлаш жоизки, Беҳзод фақат Шарқ халқлари тасвирий санъати тарихидагина эмас, жаҳон санъати тарихида ҳам ўчмас ўз қолдирган буюқ истезод соҳибидир.

Очыл ТОҶИРОВ



ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк

2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши муносабати билан куйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:

«МАНФААТЛИ-2017»
Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 13 турдаги қулай шартларда омонат турларини тақлиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасаруф ҳуқуқи ўз иختиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

(+99871) 120-39-81 | 120-39-60 | 120-39-63

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

«Асака» банк сармомангизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Reklama